O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №
290901

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta• 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan• 2001-yil, 28-sentabr • N40 (3627)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИГА « МИЛЛИЙ ТЕАТР» МАҚОМИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда профессионал театр санъатини янада ривожлантириш, Ватанимизнинг бой тарихи, аждодларимизнинг ўлмас меросини, мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқларимизни, бугунги замонавий қаҳрамонлар сиймосини акс эттирувчи бадиий баркамол асарлар яратишни рағбатлантириш, халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, ёш авлод қалби ва онгига эзгулик ғояларини сингдиришда театр санъатининг ролини янада кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, атоқли санъат намояндалари ва кенг жамоатчиликнинг таклифларини инобатга олиб, Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига «Миллий театр» мақоми берилсин ва у «Ўзбек Миллий академик драма театри» деб аталсин.

2. Қуйидагилар Ўзбек Миллий академик драма театрининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

–буюк маънавий меросимиз, бетакрор қадриятларимиз, ўзбек миллий театри анъаналарини изчил давом эттириш, уларни янги давр талаблари асосида бойитиб бориш ва ривожлантириш, бу соҳадаги илғор услубларни миллий руҳ билан уйғунлаштирган ҳолда театр санъатига татбиқ этиш;

–миллий истиқлол ғояларига ҳамоҳанг, бадиий жиҳатдан юксак, халқчил саҳна асарлари яратиш асосида ўзбек миллий театр санъати тараққиётига ҳисса қўшиш;

–халқимиз, аввало ёшларимиз қалбида миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини шакллантириш, уларни она-Ватанга муҳаббат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат, гуманизм ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш;

–истеъдодли санъаткорлар, ёш актёрлар, драматург ва режиссёрлар, саҳна санъати мутахассисларининг салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун ўзига хос ижодий мактаб бўлиб хизмат қилиш;

–мамлакатимиз миқёсида ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш, жаҳоннинг илғор ва нуфузли театрлари билан ижодий мулоқот ва амалий ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, халқаро фестивалларда ўзбек театри ютуқларини муносиб равишда намойиш этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддат ичида Ўзбек Миллий академик драма театрининг Низомини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бир ой муддатда Ўзбек Миллий академик драма театри ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тариф меъёрларини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Ушбу Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 21 сентябрь

ШАРАФЛИ НОМ МАСЪУЛИЯТИ

«... Одамларнинг қалбига беқиёс таъсир ўтказиб, уларни мудом эзгулик ва олижаноблиққа чорлаб келаётган академик театримиз маънавий ҳаётимизнинг узвий бир қисмига айланиб қолган, десак ҳеч муболаға бўлмайди», – деган эди Президент И.А.Каримов Ўзбек давлат академик драма театрининг янги биноси очилиши маросимида сўзлаган нутқида.

Мазкур театрга «Миллий театр» мақоми берилиши муносабати билан гўзал театр кошонасига йиғилган маданиятимиз ва санъатимиз намояндалари, зиёлилар, санъат ихлосмандлари номидан сўзга чиққанлар бу фикрни яна бир бор тасдиқладилар.

«Ўзбектеатр» бирлашмаси бош директори М.Абдуқундузов, бу воқеа билан саҳна ижодкорларини қутлар экан, ҳамманинг кўнглида кечаётган туйғуларни ифода этиб шундай деди:

–Театр том маънода тарбия маскани, ибрат мактаби бўлиб майдонга чиқмоқда. Хусусан, мана шундай гўзал кошонада халқимиз маънавиятини бойитадиган баркамол саҳна асарлари яратилиши керак. Бу саҳнада ўткинчи асарларга, ўткинчи образларга йўл бўлмаслиги лозим. Зеро, ушбу муқаддас саҳнада 20 ёшли ўғли вафот этган куни рол ўйнаб, спектаклдан сўнг саҳнадошларини дафн маросимига айтиб кетган Обид Жалилов, 30 кун муттасил Ҳамлет ролини ўйнаб, охирги кун саҳнада йиқилиб қолган Аброр Ҳидоятов, «Мен босқинчи Чингизхонни эмас, унга қарши курашган Жалолиддин Мангубердини ўйнайман», деган Шукур Бурҳоновдек актёрлар ижод қилганлар.

Дарҳақиқат, бугун ана шундай буюк санъаткорларнинг орзуси ушалган кун. Театр жамоаси устозларнинг анъаналарини давом эттириб, катта куч ва ғайрат билан ишлайдиган давр келди. «Миллий театр» деган шарафли ном жамоа зиммасига катта масъулият юклайди. Энди эски ютуқларга маҳлиё бўлиш билан қаноатланиб бўлмайди. Олдинда катта вазифалар турибди. Миллий театр деган ном, шубҳасиз театр ижодкорларини янги-янги баркамол асарлар яратишга руҳлантиради. Бу театр санъатимиз ютуқларини халқаро миқёсга олиб чиқиши керак. Шунингдек, ёш авлод учун ижодий лаборатория бўлиб қолиши лозим. Йиғилишда сўзга чиққан театр директори Ёқуб Аҳмедов, санъаткорлар Я.Абдуллаева, Л.Саъдуллаев, Н.Абдураҳмонов, театршунос Т.Баяндиев ва бошқалар шу ҳақда фикр юритдилар.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов сўзга чиқди.

ЯНГИ АВЛОД ВА МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖЛАР

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий жиҳатдан тараққий эттириш юзасидан белгиланган ислоҳотлар бугун қандай рўёбга чиқарилмоқда? Маданият ишлари вазирлиги тизимида бу борада, хусусан, янги авлоднинг маънавий эҳтиёжларига мувофиқ амалга оширилаётган ишларнинг аҳволи қандай? Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг Бош вазир ўринбосари, мазкур кенгаш раиси Ҳ. Кароматов раислигида ўтган кенгайтирилган мажлиси ана шу масалалар муҳокамасига бағишланди.

Маданият ишлари вазири Х. Жўраевнинг маданият соҳаларида ислоҳотларнинг боришига доир умумий ҳисоботида янги авлодни камол топтириш, аҳоли, айниқса, ёшлар онгига истиқлол ғояларини чуқур сингдириш, уларни ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда вазирлик тизимидаги муассасалар амалга ошираётган ишлар, шунингдек, санъат турларини ривожлантириш, байрам тадбирларини ўтказиш ва клублар, музейлар ишини ташкил этишга доир масалалар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бош директори Б. Абдураҳимов, "Ўзбекракс" миллий рақс бирлашмаси раҳбари Ю. Исматова, Бастакорлар уюшмаси раиси Р. Абдуллаев, Темурийлар тарихи давлат музейи директори Н. Ҳабибуллаев, Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Э. Эрназаров ва бошқаларнинг муҳокама этилаётган масалаларга доир ҳисоботларида ҳам янги замон кишисини тарбиялаш, бадиий адабиёт ва драматургия, театр санъатида замонавий қаҳрамонлар образларини яратиш орқали истиқлол ғояларини тарғиб ва ташвиқ этиш, бу жараёнга истеъдодли адибларни кенг жалб қилиш, шунингдек, миллий мусиқа, эстрада ва миллий қўшиқчилик, миллий рақс санъатини ривожлантириш, музейлар тизимидаги мавжуд муаммолар хусусида сўз борди.

Бугунги кунда кутубхоналар ишини яхшилашга эҳтиёж ошиб бораётир. Шу муносабат билан жойлардаги коллеж ва лицейларнинг кутубхоналари, компьютер хоналари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш, маҳалла гузарларида кичик кутубхоналар ташкил этиш, айни пайтда Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги музейларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ва уларни Интернет тизимига улаш орқали юртимизнинг бой тарихини тарғиб этишга доир таклифлар ўртага ташланди.

Йиғилиш қатнашчилари, шунингдек, давлат муҳофазасига олинган тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларни ҳам муҳокама этишди. Мажлисда муҳокамага қўйилган барча масалалар юзасидан аниқ вазифалар белгиланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов сўзга чиқди.

1-ОКТЯБР – ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Муаллимга аталган гуллар

МУРАББИЙ ҒУРУРИ

Бугунги кунда ўзбекистонлик ёшлар дунёнинг энг нуфузли танловларида, Ватанимиз обрўсига обрў қўшиб келишаётир. Уларнинг улкан ютуқлари ортида тинимсиз ижодий фаолият, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ҳалол меҳнатлари ётгани сир эмас. Биз қуйида эътиборингизга ана шундай заҳматкаш устоз-мураббийлардан бири билан мухтасар мулоқотимизни тақдим этаётирмиз.

Шубҳасиз, бирор-бир ансамблда созанда бўлиб ишлаганида Бахтиёр ЗИЯЕВ машҳур санъаткор бўлиб етишарди. Бироқ у дутор-басдан ёшларга сабоқ беришни афзал кўрди. У кишидан: "Нега айнан санъаткор эмас, ўқитувчилик касбини танлагансиз", деб сўраганимизда, қисқа қилиб: "Юзлаб шогирдларга эга бўлишнинг ўзига яраша лаззати бор. Мурғак болаларни мусиқа оламига олиб кириш менга чексиз қувонч ва ҳузур бағишлайди", деди.

Дутор-бас қандай чолғу дерсиз? У дутор турларидан бири, удга ўхшаб кетади. Бу асбоб Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан санъат арбоби Петросянц томонидан такомиллаштирилган. Дутор-бас — ҳис-туйғуларни сокин оҳангларда ифодалаши билан ўзига хос чолғу асбоби саналади.

Хуллас, халқимизнинг бу сеҳрли чолғусига меҳр қўйган Бахтиёр Зияев чорак асрдан бери унинг оҳангига асир. Унинг шогирдларини бугун эл олқишламоқда. Бахтиёр Зияев 25 йилдан бери Ҳамза номидаги мусиқа би-

Давоми 2-бетда

МАКТАБИНГИЗНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?

Ҳар биримиз ўзимиз илк сабоқни олиб, қатта ҳаётга учирма бўлган жонажон мактабимизни қалбимизда ажиб бир энтикиш билан эслаймиз. Гоҳо бирор сабаб билан унинг ёнидан ўтиб қолганимизда болалик хотираларимиз беихтиёр ёдга тушади. Меҳрибон муаллимларимиз, синфдошларимиз билан боғлиқ унутилмас хотиралар, синфхоналару мактаб йўлакларидан елиб юрганларимиз кўз ўнгимизда гавдаланади.

Ўша қайтмас лаҳзаларни эслаб кўнглимиз орзиқади, бироқ болаликнинг сирли дамлари чиндан ҳам қайтмас бўлиб кетганига имон келтирамиз-да, шу ондаёқ жонажон мактабимизни, бизга куюниб сабоқ берган муаллимларимизни унутамиз. Қолса, хаёл кўзгусида қай бир синфдошимизнинг мунис чеҳрасию, қай бир дўстимизнинг кулиб турган ҳолати қолади. Муаллимларимизнинг меҳрли сиймоларини бот-бот эсласак-да, бу хотиралар бир лаҳзали кино тасвиридек кўз олдимиздан ўтади ва яна ўз ташвишларимизга шўнғиб кетамиз.

Бизга ўн йил таълим-тарбия берган, бошимизни силаган, яна укаларимиз-сингилларимизни ҳам катта ҳаёт йўлига олиб чиқишда беминнат хизмат қилган мактабни мунис-меҳрибон онага қиёсласак, ўринли бўлар. Муборак маскан — мунис онамиз бизга сабоқ берганида қоматлари дуркун, пештоқлари юксак, оппоқ орзуларимизга эш бўлиб, ўзи ҳам узоқ-узоқдан бамисоли денгизда эркин сузиб юрган кемадек оқариб кўриниб турарди. Бизни очиқ чеҳраси билан ўз бағрига чорлаб, ҳамиша қучоқ очиб кутиб олишларини йиллар давомида унутиб қўймадикмикан?! Гоҳида собиқ синфдошлар учрашиб қолишса, бир-бирларини қучоқлашиб, кўзлари севинч ёшларидан порлаб, ўтган хотираларни эслашади. Кимни кўраяпсан, яқинда синфдошлардан кимлар билан кўришдинг, деб сўрашади... Бироқ шундай лаҳзаларда қутлуғ масканни эслаб: "Мактабимизга ҳам бориб турасанми?" дея сўрамаймиз. Негадир бир-биримиздан "Мен кеча ўзим ўқиган мактабга бордим" деган сўзларни камдан-кам эшитамиз.

Нега? Ўша биз сабоқ олиб улғайган кезлари жисми жони бардам-бақувват бўлган мактабимиз бугун қандай аҳволда, ўша мунис онажонимиз бугун "кексайиб, қадди-қоматидан мадор кетгани" йўқми? Бордию онажонимиз аҳволи шундай бўлса, унинг ҳолидан хабар олиш бизнинг — собиқ ўқувчиларнинг ҳам бурчимиз эмасми?

Баъзан ўйлаб қоласан: шундай мактабларда таҳсил олган не-не тенгқурларимиз бугун бой-бадавлат бўлишиб, ўзлари ва бола-чақалари учун қават-қават уйлар қуришмоқда, қўша-қўша хорижий машиналарни миниб юришибди. Эҳтимол улар орасида бир вақтлар ўзи ўқиган мактабга бориб, унинг аҳволидан хабар олиб турадиганлар ҳам бордир. Бироқ бугун айрим мактабларимиз аҳволига боқиб ўйга толасан. Наҳотки, бу мактабни битирганлар орасидан бирор дурустроқ одам чиқмаган бўлса!?

Сўнгги йилларда ҳар бир туманда чиройи ҳавас қилгудек лицейлар, коллежлар қурилмоқда. Уларда мустақил юрт фарзандлари роҳатланиб сабоқ олаётганидан кўнглимиз фахр-ифтихор туйғуларига тўла. Бу ўқув даргоҳлари бағрига эса мактабларда савод чиқарган иқтидорли ёшлар боришмоқда. Демак, биз жонажон мактабларимизни, уларда эл фарзандларига сабот билан сабоқ бераётган кўп минг сонли муаллимларимизни ҳам ҳамиша эсда тутишимиз зарур.

Ким бўлмайлик, ҳамиша йўлларимизга муҳтарама онамиз каби интизор бўлиб турган онажон-жонажон мактабимиз бағрига ҳам ошиқиб борайлик. Биз таҳсил олган синфхоналаримиз, болалик қувончларимизга шерик бўлган мактабимиз бағрида бирпас бўлиб, унинг нуроний сиймосига ҳам назар солайлик, зарур бўлса, ёрдамимиз, ҳимматимизни аямайлик. Имкон топсак, бу даргоҳнинг эндиги ҳаётида ҳам ўз ўрнимиз бўлиши мумкинлигини ўйлаб кўрайлик.

М. ЭШМУРОДОВ

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Севимли газетангиз **«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»**га 2002 йил учун обуна бошланди.

Якка обуначилар учун нашр кўрсаткичи – 00222.

Ташкилотлар учун нашр кўрсаткичи – 00223.

Обунани мамлакатимизнинг барча шаҳар, туман ва қишлоқларидаги алоқа бўлимлари ҳамда матбуот тарқатиш тармоқларида расмийлаштиришингиз мумкин.

Севимли газетангизга обуна бўлишга шошилинг!

ЮЗИНГ ЁРУҒ БЎЛСИН, ДЕҲҚОНИМ

Пахта—2001

Бу йил пахтачиликда ўзига хос рекорд ўрнатилди. Андижон вилояти пахтакорлари сентябр ойининг биринчи ярмида, Асака тумани деҳқонлари эса август ойидаёқ йиллик шартномавий режаларини уддалашди. Пахта йилдан-йилга эрта очилиб бораяпти, яъни илгари сентябрнинг ўнинчиларида терим бошланса, ҳозир айрим туманларда августнинг бошидаёқ хирмонлар кўкка бўй чўзаяпти. Бунинг боиси нима?

Кимдир фасл алмашинаяпти, баҳор бир ой олдин келаяпти, шунинг учун куз ҳам эрта келди, дейди. Яна кимдир пахтани плёнка остига экканимиз туфайли шундай ютуқларга эришаяпмиз. Мамлакатнинг энг жанубий вилояти Сурхондарё, йиллик ҳарорат ҳам бу ерда анча юқори, аммо пахта Андижонда биринчи бўлиб очилаяпти-ку, дейди.

Тўғри, ҳар икки гапда ҳам жон бор. Лекин пахтанинг эрта очилиши, ҳосилдорлиги ошишининг асосий сабаби фақат шуларми? Аслида гап деҳқоннинг манфаатдорлигида эмасми?

Ўзингиз ўйлаб кўринг. Нега деҳқон ҳали ернинг нами қуримасдан далага чиқаяпти, плёнка остига чигит экаяпти? Шўролар давридагидек, бемалол апрелнинг охири, май, ҳатто июнда ҳам чигит экиб юраверса бўлмайдими? Деҳқон етиштирган пахтасини бугун шартнома асосида давлатга сотади. Шўролар даврида эса топширарди. Шунинг учун унга пахтани қачон экишнинг, қанча ҳосил етиштиришнинг қизиғи йўқ эди. Бугун деҳқон чигитни плёнка остига экиб, эртароқ ундириб олмаса, пахтаси кеч очилади, ёғин-сочинли кунларда терилган пахтанинг сифати бузилади, нави пасаяди. Ва охир оқибатда даромади камаяди. Даромади қамайдими, демак рўзғоридан барака кетади.

Бугун деҳқон, унинг фарзандлари терган пахтаси ҳақини нақд олаяпти. Деҳқон йил бўйи меҳнати эвазига етиштирган ҳосилининг пулини – ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир ҳашарчи олиб кетишини истамайди. Пахта унинг мулки. Демак, даромади ҳам уники бўлиши керак.

Қаерда иш ёмон кетаяпти, қаерда терим сust, қаерда пахта ҳали тўла очилиб улгурмаган бўлса, билингки, ўша ерда деҳқон меҳнатидан манфаатдор эмас. Ўша ерда иш нотўғри ташкил этилган. Раҳбар ҳамон ўша «шўроча» қарашлардан қутилмаган.

Бу гапга мисолни истаганча топиш мумкин. Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги айрим туманлар, хўжаликлар анчадан буён йиллик шартномавий режани уддаламайди. Сабаби оддий. Бу жойларда деҳқон ўз меҳнатидан етарли даражада манфаатдор эмас. Пулини бермасанг ишламайди. Зўрлаб ишлатадиган замонлар ўтиб кетди. Пахтакор ўзи далага интилмадими, бундай хўжаликда, туманда режанинг уддаланиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Мамлакатимизда йилдан йилга ерга, деҳқонга муносабат ўзгариб бораяпти. Пахтанинг йиллик йилга эртароқ очилаётганининг сабабларидан бири ҳам шу. Ўтган йили шу пайтда мамлакатимизда терилган пахта миқдори 2 миллион тонна ҳам бўлмаганди. Бу йил 3 миллион тоннага яқинлашиб қолди. Бир вилоят, ўнлаб туманлар, юзлаб хўжаликлар шартномавий режаларни аллақачон уддалаб бўлишди. Бу қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бера бошлаганидан далолатдир. Истагимиз мамлакатимиз бойлиги бўлган пахта ҳосилини деҳқонларимиз тезроқ, ёғин-сочин кунларга қолдирмай териб олишсин, шартномавий режаларини уддалаб, юзлари ёруғ бўлсин.

Бобур МУҲАММАДИЕВ

Суратда: Тўрткўл туманидаги "Намуна" ширкат хўжалиги бригада бошлиғи А.Йўлдошев ва иқтисодчи Қ.Собиров.

О.МУРОТОВ сурати (Ўз.А)

«ОЛТИН МЕРОС» ГУРУНГИ

Кеча Тошкентдаги тарихий Абулқосим мадрасаси Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси фаоллари билан гавжум бўлди. Бу ерда Ўзбекистон Республикасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан «Аждодлар мероси – маънавиятимиз асоси» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Жамғарманинг ташкил топганига беш йил тўлди. Шу давр давомида жамғарма меросимизни асраб-авайлаш, уни дунёга тарғиб қилиш борасида маълум ишларни амалга оширди. Халқимиз қўлида сақланаётган нодир қўлёзмаларни излаб топиш ва сотиб олиш, буюк боболаримиз ҳаётини ўрганиш, кино тасмаларига туширишда изчил фаолият олиб борилди. «Муножот» миллий мумтоз рақс ансамбли ташкил этилди...

Жамғарма раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг маърузасида шу ҳақда гап борди. У жамғарма фаолларини «Олтин мерос» концепциясини ишлаб чиқишга чақирди. Анжуманда сўзга чиққан жамғарманинг Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи К. Нуржонов, Халқаро алоқалар ва тарғибот маркази директори Н. Усмонова, ЮНЕСКО вакили С. Карпов ва бошқалар ҳам бу таклифни маъқулладилар. Хориждаги ватандошлар билан ишловчи маслаҳатчи Насрулло Тўра «Олтин мерос» фаолиятини ёритувчи суратлар билан бойитилган китоб тайёрлаш ва чоп этиш фикрини ўртага ташлади.

Шу куни мадрасада халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси очилди ва бир пиёла чой устидаги гурунгда жамғарманинг этнографик ансамбллари чиқишлари намойиш этилди.

Боши 1-бетда

МУРАББИЙ ҒУРУРИ



лим юртида ва Глиэр номидаги махсус мусиқа мактаб-интернатида ёшларга таълим бериб келаётир.

—Мусиқа ўқитувчисининг бошқа соҳа муаллимларидан фарқли томонлари бўладими? - деб сўрайман у кишидан.

— Ўқитувчи шундай сабоқ бериши керакки, ўқувчининг бутун борлиғи мусиқага айлансин. Ва боланинг ўзида табиатдаги мусиқий оҳангларни кашф этиш, уни ҳис қилиш иқтидори шакллансин. Мусиқа— бола тафаккури ва руҳиятининг ўсишида жуда катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам мусиқа ўқитувчиси тинмай изланиши керак.

— Мусиқа мактабларига иқтидори йўқ болалар ҳам кириб қоладилар... Унда қандай йўл тутасиз?

— Ундай болалар аста-секин сафдан тушиб қолишади. Иқтидорли болалар ҳамма жойда ажралиб туришади. Бундай болалар билан ишлаб чарчамайсиз.

Кўпчилик ота-оналар боланинг истаги билан қизиқишмайди-да, уни ўз хоҳишларига қараб ўқитишмоқчи бўлишади. Натижада, боланинг ҳар қандай ишдан кўнгли совийди. Ана шундай ўқувчиларга: "Бу ерда бекорга вақтинг кетяпти, ўзинг яхши кўрган соҳангга бориб ўқи", деб маслаҳат бераман. Бола жонжон деб рози бўлади. Лекин бир хил ота-оналар бу маслаҳатни бошқача қабул қилишади, боламни четлаштиришаяпти, деб ўйлашади.

Хўп, майли, ота-она қистов ва мажбурлаш билан боласини мусиқачи ҳам қилди, дейлик, лекин бу билан нимага эришади? Ҳеч нарсага. Болада ҳам астасекин, демак, мен мусиқачи бўлишим керак экан, деган тасаввур уйғонади. Ва у ҳам ўзича шу йўлда ишлашга киришиб кетади. Бироқ мусиқани севмаган, иқтидори йўқ боладан нимани кутиш мумкин...

— Устоз сифатида шогирдлардан кўнглингиз тўқми?

— Бола битта устознинг қўлида ўсиб, вояга етса, тўғри тарбия топади, деб ўйлайман. Ўзим Глиэр номидаги махсус мусиқа мактаб-интернатида битта устоз қўлида, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Фаррух Нурусмоновдан сабоқ олганман. Кейинчалик Консерваторияда Ўзбекистон халқ артисти Ҳамид Шамсиддинов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Аҳмаджон Одилов, профессор Анор Назаров қўлида таҳсил кўрдим. Улардан сабоқ олганимдан фахр-ланаман.

Шогирдларга келсак, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Равшан Комилов, Рустам Ғойипов, Азим Муллахонов, Муҳриддин Холиқов, Ойбек Султонов ва Машраб Нишоновлар менинг биринчи шогирдларимдан. 2000 йили ўтказилган 1-республика ёш чолғучи ва созандалар кўрик-танловида шогирдларимдан Ҳамза номидаги мусиқа билим юртидан Суръат Жўраев 1-ўринни, Глиэр номидаги махсус мусиқа мактаб-интернатидан Анвар Мавлонов 3-ўринни эгаллашди.

Республикамиздаги махсус мусиқа мактаблари, ўрта махсус санъат билим юртлари чолғучи-созандалари орасида ўтказиладиган танловларда ҳам шогирдларим ҳамиша ғолиб бўлиб келишади. Уларнинг ютуғи менинг ҳам ютуғимдир.

Адиба ҲАМРО *қизи суҳбатлашди*

ШАРҚШУНОСЛАР МАСКАНИ

1991 йилнинг 15 июли мамлакатимиз шарқшунослик фани тараққиёти учун унутилмас сана бўлиб қолди. Шу куни Президентимиз Тошкент давлат шарқшунослик институтини ташкил қилиш ҳақидаги фармонга имзо чекди...

Даставвал Тошкент шаҳрида 1918 йилдан фаолият кўрсатиб келган шарқшунослик билим маскани 1924 йилга келиб алоҳида факултет сифатида Ўрта Осиё давлат университетига қўшиб юборилди. 1930 йили шарқшунослик факултети педагогика факултетига айлантирилиб, 1931 йили унинг фаолияти бутунлай тўхтатилди.

1944 йили ҳукумат қарори билан Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) қошида қайтадан шарқшунослик факултети таъсис этилди. Факултет Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари тарихи ва иқтисоди ҳамда хорижий Шарқ халқлари тили ва адабиётини ўқитишни мақсад қилиб қўйган эди.

Факултетга дарс бериш учун эски мадрасаларни битирган, Шарқ фанлари бўйича чуқур билимга эга бўлган Абдусодиқ Мирзаев, Мажидхон Баҳодиров, Саидазизхон Ғаниев каби мударрислар ҳамда турли ташкилотларда ишлаб келаётган В.С.Москалев, И.Д.Серебряков, Б.З.Холидов, И.А.Қиссеи каби шарқшунос мутахассислар таклиф этилди.

Шарқ факултети йил сайин кенгайиб борди. Унда араб, форс, пушту, хитой ва турк тиллари билан бирга инглиз, рус ва ўзбек тилларини ўрганишга ҳам катта аҳамият қаратила бошлади.

1991 йили факултет институтга айлантирилгач, шарқшунослик соҳасидаги турли ихтисослик ва йўналишларнинг чегараси анча кенгайди. Илгари мутахассислар фақат филология ва тарих бўйича тайёрланган бўлса, бугунга келиб ўқув масканида 12 мутахассислик бўйича таълим берилади. Аввал факултетда 7 кафедра фаолият кўрсатиб келган бўлса, ҳозирги вақтда кафедралар сони 31га етди. Таълим доирасини янада кенгайтириш мақсадида араб, форс, дарий, пушту, ҳиндий, урду, хитой ва уйғур тиллари билан бирга япон, корейс ва бошқа Шарқ тиллари, адабиётлари ҳам ўқитилмоқда. Ҳозир институтда 20дан ортиқ тил ўқитилмоқда. Бундан ташқари хорижий Шарқ мамлакатлари иқтисоди, халқаро иқтисодий муносабатлар, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисоди ва тарихи, олий математика ва информатика каби фанлар ўқув режасидан жой олди. Бозор муносабатига ўтиш муносабати билан маркетинг ва менежмент кафедралари ташкил қилиниб, бу соҳада етук мутахассислар тайёрлашга киришилди.

Бугунги кунда институтда 6 факултет, сиртқи бўлим, магистратура ва минтақа тил таълими маркази фаолият кўрсатмоқда.

Ўқув жараёнига замон талабига жавоб берадиган турли усул ва методлар, янги педагогик технология жорий этилган. Талабаларга таълим бериш «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва уларнинг билим даражасини текшириш рейтинг асосида олиб борилмоқда. Барча кафедралар компютерлаштирилган. Лингафон хонаси ўқув жараёни учун зарур бўлган аудио ва видео аппаратлари, магнитафон ва бошқа замонавий техник воситалар билан жиҳозланган.

Институт кўпгина хорижий мамлакатларнинг университетлари ва илмий-тадқиқот марказлари билан алоқа ўрнатган. Бу борада ўзаро битимлар имзоланган. Миср Араб Республикасининг Қоҳира, Айн-Шамс, Алмансура университетлари, АҚШнинг Сан-Диего университети, Хитойнинг Пекин университети ва Тянцин ташқи алоқалар политехника институти, Чет тиллар педагогика университети, Японияннинг Хосей университети, Токио чет тиллар университети, Фукусима аёллар коллежи, Жанубий Кореянинг Сенг-Кул Ксан университети, Сеул миллий университети, Франциянинг Шарқ тиллари институти, Голландиянинг Роттердам ислом университети, Деҳли университети ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шу кунга қадар институтнинг 200дан ортиқ профессор-ўқитувчилари хорижий мамлакатларнинг олий ўқув юртларида малака ошириб қайтдилар. 600 талаба ва аспирант хорижий мамлакатлар олий ўқув даргоҳларида таълим олди. 77 нафар чет эллик профессор-ўқитувчи институтда дарс бериш учун таклиф қилинди. Институтимизда Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатлардан келган 45 талаба-стажёр таҳсил олди.

Институт қошида Шарқ мамлакатлари тарихи, иқтисоди ва тилларини ўрганишга ихтисослашган 3 лицей фаолият кўрсатмоқда. Лицейларда таълим бериш учун институтнинг тажрибали ўқитувчилари жалб қилинган. Шарқ тиллари ўқитиладиган бир неча мактабларни институт ўз оталиғига олган.

Институтда номзодлик ва докторлик илмий даражаларини олиш учун 2 ихтисослашган кенгаш фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўрта Осиё маданияти ва тарихига оид арабийзабон ёдгорликларни; Ўрта Осиё тасаввуф илми тараққиётини; ўзбек тилининг тарихий луғати; ҳозирги замон хорижий Шарқ мамлакатларида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар; эркин иқтисодий зона тараққиётининг хорижий мамлакатлардаги тажрибаси; Шарқ фалсафаси ва мовароуннаҳрлик ислом алломалари ижодини ўрганишга йўналтирилган 7 илмий-тадқиқот марказлари иш олиб бормоқда.

Тошкент давлат шарқшунослик институти ўзининг илмий-оммабоп нашрларига ҳам эга. Ҳар уч ойда ўзбек ва рус тилларида нашр этиладиган «Шарқ машъали» («Маяк Востока») журнали ва «Шарқшунослик» («Востоковедения») илмий тўплами шулар жумласидандир.

Сўнгги йилларда нашр қилинган Н.Иброҳимов ва М.Юсуповнинг «Араб тили грамматикаси» ва М. Аҳмедова раҳбарлигида ёзилиб, нашр этилган «Фалсафа асослари» дарсликлари Олий таълим вазирлигининг махсус мукофотига сазовор бўлган.

Шарқшунослик институтининг фаолияти Ўзбекистонда шарқшунослик фанининг ўсиши, тараққий этиши билан чамбарчас боғлиқ. Чунки бу давр ичида мазкур билим даргоҳи Республика шарқшунослик фани учун 400дан зиёд фан номзодлари, 80дан ортиқ фан докторларини етиштириб берди. Шарқшунос олимларимиздан 8 нафари Ўзбекистон РФА ҳақиқий аъзолигига сайланди. Олимларимиздан 14 нафари Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, 12 нафари Республика давлат мукофотлари лауреатидир.

Ҳозирги кунда Тошкент давлат шарқшунослик институти Марказий Осиёда ягона шарқшунослик марказига айланган йирик илм ва таълим маркази ҳисобланади.

Малик АБДУСАМАТОВ,
Шарқшунослик институти кафедра мудири

«УМРБОҚИЙЛИК»

Икки оғиз дил сўзи

Халқимизда тўйга тўёна билан, деган гап бор. Оқсоқол адибимиз, Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло ўзининг саксон йиллигини қарши олаётган айни кунларда «Ёзувчи» нашриётида «Умрбоқийлик. Шукрулло ижодининг турфа қирралари» номли ажабтовур тўпламни нашрдан чиқарди. Бу китоб бир томондан атоқли шоир, носир ва драматургнинг қутлуғ ёшига муносиб совға бўлса, бошқа жиҳатдан, кўпсонли мухлисларига Шукрулло ижодининг сеҳру жозибасини теранроқ тушуниб олишда ғоятда қўл келади.

Китобга академик Матёқуб Қўшжонов сўзбоши ёзган. «Устозлар ва дўстлар сўзи» деб номланган илк қисмда Шукрулло ва унинг ижодиёти ҳақида атоқли адиблар Ғафур Ғулом, Қайсин Қулиев, Мустай Карим, Давид Қўғилтинов, Расул Ҳамзатов ва бошқаларнинг шеър ҳамда мақолалари жой олган. Шоир поэзияси талқини ва таҳлилига бағишланган адабиётшунос олимлар, ёзувчи-шоирларнинг кўплаб мақолалари нашрнинг «Шеърият ва шахсият» қисмида берилган.

Маълумки, 80-йилларда Шукруллонинг драмалари ва насрий асарлари адабий жамоатчиликда қизғин муносабат уйғотган эди. Китобдан ўрин олган бир қатор мақолалар адиб ижодининг ана шу жиҳатларини қамраб олган. Шунингдек, Шукрулло билан мунаққид ва журналистларнинг адабий суҳбатлари ҳам «Умрбоқийлик» китобида берилган.

«Ушбу китоб ўзига хос сарҳисоб бўлибди, — деб ёзади сўзбошида М.Қўшжонов.— Шоир қутлуғ саксон ёшга кирган даврда бу китобнинг чоп этилиши адибнинг ўзи, оиласи, дўстлари, ўқувчилари учунгина эмас, адабий танқидчилигимиз учун ҳам қувончлидир.

Оқсоқол адибимиз ижодининг деярли барча қирраларини қамраб олган «Умрбоқийлик» китоби билан, ҳам шунинг баҳонасида қутлуғ саксон ёшлари билан қутлаб, унга куч-қувват, янгиданянги ижодий парвозлар тилаймиз.

А.СУЛАЙМОНОВ

ШУКУР БУРҲОННИНГ ОППОҚ ОТИ

Манғу лаҳза

Ўзбек санъати тарихида Шукур Бурҳондек ажойиб образлар галереясини қойилмақом қилиб яратган бошқа театр ва кино актёри йўқ. Шукур Бурҳон ўзининг бетакрор маҳорати билан театр ва кино санъати ўртасидаги чегарани бузиб ташлади; романтик қаҳрамон ролининг ижрочиси айни пайтда трагик ва комик образларни ҳам юксак даражада яратиши мумкин эканлигини исботлаб берди; овоз драма театри артисти учун ҳам қудратли қурол бўлиб хизмат қилишини намойиш этди.

Шукур Бурҳоннинг энг яхши ролларини кўрган хорижий театршунос уни олий театр санъати дорилфунунини тугатган, деб ўйлаши ҳеч гап эмас. Аммо ярим асрдан зиёд давр мобайнида театр ва кино санъатимизнинг кўрки ва ифтихори бўлган бу зотнинг дурустроқ умумий маълумоти ҳам бўлмаган. У ҳар томонлама туғма ва буюк артист эди.

Шукур Бурҳон учун театр илоҳий бир даргоҳ, икки-уч соат давомида томошабиннинг фақат хулқ-атвори эмас, балки дунёқарашини ҳам ўзгартириб юборишга қодир бўлган санъат маскани эди. Артист бу даргоҳнинг бош соҳиби сифатида театрга келиб, энг аввало ўзи ўзгариши, нурланиши, ўзидаги руҳий қувватни томошабинга ўтказиши, уни спектаклнинг ғояси ва мақсади асосида ўзгартириб юбориши лозим эди унинг назарида. Шунинг учун ҳам у, масалан, Ҳамлет ролида саҳнага чиққанида ҳаттоки иккинчи ва учинчи даражали ролларнинг ижрочиларидан ҳам спектакл ва мизансаҳнанинг мақсад-ғоясидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат этишни талаб қилган.

Ҳар бир театр артистининг шаклланиши ва ижодий ўсишида классик драматургия асарлари муҳим ўрин тутади. Шукур Бурҳоннинг ҳам Шукур Бурҳон бўлишида жаҳон драматургияси классикларининг театрда саҳналаштирилган асарлари улкан аҳамиятга молик бўлди. Шукур Бурҳон рус ва жаҳон драматурглари асарларидаги бош ролларни яратиш жараёнида ижрочилик санъатининг етакчи принципларини белгилаб олди. Булар — юксак интеллектуаллик, асарда тасвир этилган воқеа ва қаҳрамонлар моҳиятини чуқур тушуниш, асар ғояси ва қаҳрамон образини очишда биринчи навбатда овознинг бадиий-мусиқий имкониятларидан фойдаланишдир. Ҳамлет, Ромео, Войницкий, айниқса, Брут ва афсонавий Эдип образларини яратишда Шукур Бурҳон ижрочилик санъатининг асосий принциплари улар мансуб спектакларнинг ижодий тақдирини белгилаб берди.

Шукур Бурҳон Шекспир қаҳрамонлари билан баҳслаша оладиган ўзбекона характерларни яратиш орзусида яшарди. Кунларнинг бирида камина уни ғоят баланд бир кайфиятда учратиб қолдим. У Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» пиесасини ўқиб тугатганлигини ва бу асарнинг Шекспир трагедияларидан сира қолишмаслигини қувониб-қувониб айтди. У Шайхзодани ғоят ҳурмат қилар, унинг буюк ёзувчи эканлигига астойдил ишонар эди. Шунинг учун ҳам мазкур асар театр саҳнасида қўйилганда у худди Шекспир асарида ўйнаётгандек ҳис этди ўзини. Бу — унинг юксак орзуларининг ушалиши эди. Ҳозир ҳам менинг қулоқларим остида унинг шу спектакл-даги бетакрор овози жаранглаб турибди:

Эй одамзод, ибрат олгин юлдузлардан сен,
Хайрихоҳлик ва баландлик хислатларида.
Шалтоқларда ағанама, кўтарил, юксал,
Сўқир бахтдан кўрар кўзли бахтсизлик афзал...

Бу сўзларнинг моҳиятида Шукур Бурҳон ижодий ҳаётининг мазмуни намоён дейиш мумкин. У ўз санъати билан халқни, замондошларини бир қаричга бўлса ҳам кўтаришга, уни саодат манзиллари сари етаклашга интилди. Унинг ўзбек театр санъати тараққиётига қўшган бебаҳо ҳиссаси тўғрисида сўзламасак ҳам уни ҳамма билади.

Ҳар бир инсон ўзидан яхши ном, яхши от қолдириши лозим. Шукур Бурҳондан эса бизга Улуғбеклар минган ва ўзи ҳам етаклаган ана шу отдек оппоқ, оппоқ ном қолган.

Наим КАРИМОВ

МАТБУОТ БОЗОРИДА НИМА ГАП?

Собиқ Иттифоқ даврида даврий нашрлар обунаси ва чакана савдоси билан «Союзпечать» номли ташкилот шуғулланар эди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг обуна ишлари «Ўзбекистон почтаси»га берилди. Чакана савдо билан «Матбуот тарқатиш уюшмаси» шуғуллана бошлади. Кейинчалик бу уюшма акциядорлик жамиятига айлантирилди. Хўш, бу жамиятнинг асосий вазифаси нималардан иборат эди? У бозор иқтисоди қийинчиликларини қандай енгди? Унинг олдида яна қандай муаммолар турибди? «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси бош директори РУСТАМ ҚОСИМОВ жамоатчи мухбиримиз Содиқ Мўминовга бу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди:

—Ҳар бир ишнинг бошланиши қийин кечади. Ташкилотимиз фаолиятида ҳам шундай ҳолат кузатилди. Бунга сабаб истиқлол йилларида кўплаб матбуот нашрлари пайдо бўлди. Аммо уларнинг нархи қиммат, тиражи оз эди. Ташкилотимиз савдо ташкилоти сифатида рўйхатдан ўтган бўлиб, ялпи даромаддан алоҳида, дўконлар учун алоҳида, ер учун алоҳида, экология ва савдо ҳуқуқи учун алоҳида солиқ тўлардик. Бундай оғир шартлар жамиятимизни анча «эзиб» қўйди.

Биз ҳам қараб турмадик: замонга мослашиб қийинчиликлардан чиқиш йўлларини изладик, халқ истеъмоли моллари билан савдони йўлга қўйдик, обуна ташкил этиб нақд пул тушумини таъминладик, нуфузли банклар акцияларини сотиб олиб, дивидентлар ҳисобига моддий базамизни мустаҳкамладик.

Янги шароитга ўтиб ишлаш ҳаммамиз учун жиддий синов бўлди: дунёқарашимиз ўзгарди, мустақиллик нафасидан баҳраманд бўлдик, босма маҳсулотлар — газета ва журналлар билан савдо қилиш, уни аҳолига етказиб беришнинг янги шакли ва тартиби вужудга келди. 1995 йили газета-журналлар билан чакана савдо бўлимлари бирлаштирилиб, «Матбуот тарқатиш уюшмаси» ва унинг таркибига кирувчи вилоят ҳамда Тошкент шаҳар акциядорлик жамиятлари ташкил этилди.

Собиқ Иттифоқ даврида матбуот нашрлари бутунлай давлат ихтиёрида бўлиб, унинг ғояси, мафкурасини тарғиб қилар эди. Обуна мажбурий ҳолатда амалга ошириларди, ундан тушган маблағ матбуот харажатларига кетарди. Биз бозор муносабатларига асосланган янги жамият қуряпмиз. Бундай шароитда рақобатбардош корхоналаргина ўз мақомини сақлаб қолади. Биз бошқа матбуот тарқатувчи юридик ва жисмоний шахслар билан рақобатлашамиз. Солиқ тўлашда хусусий тадбиркорлар имконияти яхшироқ, чунки улар қатъий солиқ тўлашади.

1999 йил 13 сентябрда «Вақтли матбуотни тарқатиш корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида», 2000 йил 19 апрелда «Даврий матбуотни тарқатувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорлар асосида «Матбуот тарқатиш уюшмаси» тузилмаси такомиллаштирилди, ялпи даромаддан олинадиган солиқ миқдори тўртдан учига камайтирилди, йўл харажатларига тўланадиган миқдор ҳам озайди, савдо ҳуқуқи учун тўланадиган маҳаллий йиғим бўйича шаҳар ҳокимияти имтиёз берди. Бу имтиёз ва янгиликлар газета ва журналларни жойларга етказиб беришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тошкентда газета ва журнал чакана савдоси ва обунасини ташкил этиш анча яхшиланди. Дўконлар, якка тартибда матбуот тарқатувчилар сони кўпайди. Вилоятларда бизнинг 14 ишончли вакилимиз фаолият кўрсатмоқдалар, улар вақтивақти билан бизга ҳисобот бериб турадилар. Улар мустақил муассис сифатида фаолият кўрсатадилар. Тузилмани шу хилда ташкил этишдан мақсад вақтли матбуот нашрларини ўз вақтида жойларга етказиб беришдир, ҳатто бу ҳақда икки томонлама шартномалар имзоланган. Уни бузганлар тегишли равишда жавоб берадилар, жарима санкциялари бор.

Ҳозир марказий нашрларни вилоятлардаги босмахоналарда кўпайтириб тарқатиш устида иш олиб бормоқдамиз. Бу узоқ туманлар ва қишлоқларга газеталарни чиққан куниёқ етказиб бериш имкониятини яратади.

Республикамиз шаҳар ва қишлоқларида чакана савдони ташкил этиш учун 1670 дўкон ўрнатилган, йил охиригача уларнинг сонини 1710 тага етказамиз, яъни қўшимча яна 60та дўкон ўрнатамиз. Шундан 40та дўкон пойтахтимизда ўрнатилади. Ҳозир дўконларимизнинг 55 фоизи ижара асосида ишламоқда, келажакда қолганлари ҳам ижарага ўтказилади. Дўконларни ижарага олган сотувчи хусусий тадбиркор ҳисобланади. Уларга газета, журнал ва китоб чакана савдоси нархидан 8 фоиз чигирма тўланади. Улар газета, журнал, китоб ва бошқа товарларни кетишига қараб қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Вақтли матбуот бозорини муттасил ўрганиб бораяпмиз, бусиз ишлаш мумкин эмас. Ҳозир шов-шув, бошқотирмалар ёритилган нашрларнинг бозори чаққон. Улардан баъзи бирларининг тиражи 150-200 мингга етади. Аммо жиддий нашрларнинг савдоси қийин кечмоқда, яъни уларнинг бир қисми сотилмай қолмоқда. Бундай газеталар таҳририятга қайтарилади ёки макулатурага топширилади. Баъзи нашрлар тиражи камайиб кетиб, охир-оқибатда фаолияти тўхтаб қолди. Тираж устида иш олиб бормаган ҳар қандай нашр бозор муносабатларига бардош бера олмайди. Бундай ҳолга тушиб қолмаслик учун газета, журналлар сифатини ошириш танқидий-таҳлилий материалларга, фикрлар хилма-хиллигига кенг ўрин бериш талаб этилади. Акс ҳолда баъзи вақтли нашрларимиз дўконларда тўпланиб қолаверади.

Биз хорижий давлатлардаги матбуот тарқатувчи ташкилотлар билан ҳам яқин алоқа ўрнатганмиз.

Улардан 42 номдаги газетани обуна орқали оламиз, биздан улар 35 номдаги газета олишади. Россия, Қозоғистон ва Қирғизистондаги ватандошларимиз бизнинг газета ва журналларимизни ўқимоқдалар. Ўзбекистонда истиқомат қиладиган рус, қозоқ, қирғиз, тожик ва бошқа миллат вакиллари ўз тилларида чиққан газеталарни ўқишга муяссар бўлмоқдалар. Булардан ташқари, 250 номдаги хорижда чиқадиган илмий-техникавий, бадиий нашрларга обуна уюштирганмиз. Москвадаги «Периодика» матбуот тарқатиш уюшмаси билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Келишувга кўра улар вақтли матбуот нашрларимизни Европа ва Америка мамлакатларига етказиб беради..

Бутун дунёда матбуот чакана савдо ҳисобига яшайди.

Вақти келиб биз ҳам шунга борамиз. Дўконлар тўла ижарага берилгач, улар сотиш мумкин бўлган миқдордаги нусхани олади, сотилмай қолса дўкондор жавоб беради, яъни ундан газета ва журналлар қайтариб олинмайди. Ишни шундай ташкил этиш аста-секин чакана савдога ўтиш имкониятини беради. Чакана савдо ҳисобида фаолият кўрсатишнинг энг муҳим шарти газета ва журналларимиз харидоргирлигини таъминлашдир.

Матбуот нашрлари билан уни тарқатувчилар фаолияти бири иккинчисига боғлиқ. Биз масаланинг шу жиҳатларига муттасил эътибор бериб келаяпмиз. Керак бўлганда таҳририятларга моддий ёрдам берамиз. Бундан ташқари, бир неча газеталарни доимий ҳомийлигимизга олганмиз. Яна бир масала. Мамлакатимизда иш юритаётган тадбиркорлар ҳам кам таъминланган оилаларга вақтли матбуот обунасида ҳомийлик кўрсатсалар, биз ҳам ўз навбатида уларга имтиёзли хизмат кўрсатишга тайёрлигимизни маълум қиламиз. Бу жуда савобли иш бўлар эди. Биз Қирғизистондаги биродарларимизга «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Фидокор», «Туркистон», «Гулхан», «Шарқ юлдузи» каби газета ва журналларни бепул жўнатдик. Келажакда бундай анъаналарни давом эттирамиз.

Суҳбат нашрга тайёрланаётган кунларда Рустам Қосимов эллик ёшга тўлди. Кўпминг сонли мухлисларимиз номидан матбуотимизнинг фидойи тарғиботчисини қутлуғ ёши билан муборакбод этамиз.

"МАЪРИФАТ БЎСТОНИ"

Истиқлолимизнинг 10 йиллиги нишонланаётган қутлуғ кунларда турли маданий, маърифий тадбирлар, янги-янги кўргазмалар ташкил этиш анъана тусига кирди. Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида ана шу қутлуғ айёмга бағишланган Э.Муҳаммадиев ва Н.Султоновларнинг «Маърифат бўстони: кеча, бугун ва келажак жилолари» деб номланган монументал рангтасвир асари ўрнатилди.

Маълумотакрор замишиб чиққан ва шоирлар, лар илм-фан, рифат ва маърихида салришган. Ал-Беруний, Абу Мирзо Улуғбек, бизнинг бенимиздан стиқўпгина аллома ёзувчи ва адиб-маданият, маънавиятимиз тамоқли из қолдирган Хоразмий, Ал-Али ибн Сино, Алишер Навоий сингари буюк бобокалонларимиз ўз асарлари ва илмий кашфиётлари билан жаҳон аҳлини ҳануз ҳайратга солиб келаётир.

Яқинда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан СамДУ фойссидаги деворий расмлар мажмуаси албом шаклида нашр этилди. Албомда ҳар бир даврга уч тилда — ўзбек, рус, инглиз тилларида ёзилган шарҳ матни ҳам берилган.

—Монументал деворий рангтасвир аждодларимизнинг бу соҳада амалга оширган ишлари — Афросиёб, Варахша, Тупроққалъа, Панжакентда топилган деворий рангтасвирларнинг муваффақиятли давомидир. Қолаверса, бу асар истиқлол даври ғояси ва мазмуни билан бойитилгани боис янада диққатга сазовор, —дейди университет ректори Р.Ҳолмуродов кўргазмали албомга ёзган сўзбошида.

Албом 2000 нусхада чоп этилган. Унга республика Бадиий академияси академиги Б.Жалолов муҳаррирлик қилган.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ

Йўлдош ЭШБЕК

ОЙ ТУТАШИБ ТУРАР САҲАРГА

КЕНГЛИКЛАР ВА ТОҒЛАР

Нимани истайман бу даштлардан мен,
нимани кутаман бу тоғу тошдан,
буюкни, кенгликни ким севмайди денг,
болаликдан, юксак туйғулар бошдан,
туғилдим бундаю
яшадим бошқа
кенгликларни қамаб катакдек жойга,
бир томчим қолгандир кенгликда, тошда,
бир порлоқ «инг»роқ бор ул титроқ ойда,
ой тушиб туради даштга, саҳарга,
бунда сендай ой кам, даштда сендай кун,
напармон зиёлар томиб саҳарга,
шомги шуълалардан қирмиз бўлар тун.

ГЎЗАЛ ШОМЛАР

Маъносизлик ичра маъно бор,
энди маъни изламасман ҳеч.
Кел-эй, Шафақ! Бўл менга дилдор.
Кел-ей, Дўстим! Бўлмасидан кеч.

Кўнгил деган унча эмас кенг,
кўнгил деган қил каби нозик.
Кел-ей! Шомлар, сизни севдим мен!
Гўзал парда каби... дил сози!

Кел- эй! Шомлар, сизни севдим мен
Ноз бўйлари! Турна овози!
Оҳ, гўзаллик! Сенга борми тенг!
Мен ожизман! Ғариб эъзозим.

Кел-ей! Шомлар сизни севдим мен!
Деразамдан қарайман фақат —
осмон парда. Улкан. Бўй ва эн.
Аста босиб келмоқда зулмат!

Жойлай дея Шафақни сўзга,
қисқа калом Шафқатни кўзга,
деразамга сурма бўлдингиз,
ўлсангиз ҳам гўзал ўлдингиз!

ОФТОБЛАР ЧАЙҚАЛАР

Кўклам не кўйларга солмайди,
дарахтлар титроғи урёндир,
толғинлик толишдан толмайди,
ғуссалар, ҳижронлар гирёндир,

япроқлар чорпинар шамолда —
офтоблар чайқалар — нур замон!
Кун заиф чарақлар шимолда,
соғинар жанубни у ҳамон.

Жанубни соғинар ёмғирлар,
қўш челак кўтарган тонгдир Шарқ!
Ҳа демай дунёни олғирлар
юлдузга тўлдирар. Этар ғарқ...

Ҳар қалай умид бор очунда —
инсоннинг бепоён кўксида,
титроқлар гуллайди ичинда —
соғинчлар — буюк ва ўксиган.

ОНА

Оддийгина қўлингизга ҳам,
қора меҳнат туси юққандир,
сизни бувим, йўқ, катта энам
меҳнат қилиб юриб туққандир,

балки у пайт замон бошқача,
ортиқ юкни шўро юклади,
пахта деган ташвиш даштгача,
босиб келди, четлаб ўтмади,

қора меҳнат билан ўсдик биз,
болаликдан боқиб қўю мол,
кўпаймади молу қўйимиз,
тамом чўкиб қолмадик беҳол,

етиб келдик ёруғ кунларга,
лекин тиним билмайсиз ҳануз,
уйқудан дарс бериб тунларга,
уйғонасиз ухламай юлдуз,

ўсганими соғлом ўғил-қиз,
бу дунёнинг роҳати нима —
доим уйни кўрмоқми тўкис,
қачон тўлган бу улкан кема?!

Сизни мудом титратар азон,
бизлар тошдай ётганда қотиб.
Қаттиқ ухлаб қолманг, онажон,
ухлаб қолманг, бизни уйғотиб!

ЧИЛМАҲРАМ

Нурота чўққиси — Чилмаҳрам.
Чилмаҳрам деб аташар нечун?
Тош қотгандир ўксиб қирқ маҳрам,
номаҳрамни кўрмаслик учун!

Кўп тоғларда бордир бундай жой,
қирқ бокира вужуд, ҳойнаҳой!
Жоним садқа орингга ўлкам —
Туркистоним — асл Чилмаҳрам!

ВАТАН ҚАДРИ

Шарқираган сойлардан,
келур ялпизлар атри,
узоқ-узоқ жойлардан
сезилур ватан тафти,

юракда дард қолмади,
фақат соғинчдан бошқа,
сувларда ойнинг қадди
урилур тошдан тошга.

Қишлоғим Бойтўбида
қизғалдоқ фарёд ургай,
осмонларнинг тубида
йиғлаб юборар тўрғай.

... Бу ер ўхшаш, қадрдон,
ҳар не кўзларга ошно,
ҳар не бордир — Ер, осмон,
ҳар не! Ватандан бошқа.
Белград, 1987 йил

ДИЛОРОМ ХАЁЛ

Сени излаб дилором хаёл,
илтижолар қилурман доим,
нурга тўла муаттар шамол
каби қачон келурсан майин,

Сўроқларсан уйлар оралаб,
теракларни силаб ўтурсан,
ўйларимни бир-бир саралаб,
мен барибир сени кутурман,

сени сурган сарвари олам,
бўла қолгин менга ҳам меҳмон,
келсанг, ўрин тополмас алам,
нурга тўлар кўнгил, уй, жаҳон!

МУАТТАР ЗИЁ

Ой! Мен сенинг нурларингга осилдим,
сочларига осилгандай гўзалнинг,
ой! Кунларинг қаро сатри ғазалнинг,
ой!! Кунларинг ёруғмиди, озмиди?!

Сенга менгзар қиз юзини, ўзини,
йўқ, сен туркий қиз ёноғин ёлқини!
Муаттар зиёлар қамраб кўзингни,
толғин-толғин томар мовий тўлқини!

кўкаргандай бўлар менинг кўксимда,
шамолларда тебрангандай гиёҳлар —
зиёларинг жон бахш этар ўксима,
ишқдан сендай ёришганда дунёлар.

Ай, ой! Қўйгин! Гапирмагин!
Босди тер,
сочларингдан ифор тушди қўйнима,
судра мени, қизил бўлсин қаро ер,
оқ нур ўраб бу гуноҳкор бўйнима!

ТАНҚИДЧИЛАР НЕГА ЖИМ?

Мунаққид Норбой Худойбергановга хат

Ушбу мактубни Сизнинг адабий-танқидий қарашларингиз, ижодингизнинг мухлисларидан бири йўллаётир. Мен ўрта мактабда она тили ва адабиёт фанларидан дарс бераман. Ҳам касбим тақозоси, ҳам адабиётга қизиқишим туфайли кўп йиллардан бери адабий жараённи кузатиб келаман. Менда Сиз ёзган адабий-танқидий мақолаларга талабалик йилларимдаёқ катта ҳавас уйғонган эди. Китобларингизни тез-тез мутолаа қилиб тураман. "Эҳтирос тўлқинлари" номли биринчи тўпламингиз ҳам менда бор.

Мен сизни журъатли, ҳозиржавоб ва муросасиз танқидчи сифатида жуда ҳурмат қилардим, холис, дангал фикр-мулоҳазаларингиз адабиётни, бадиий асарни тушунишда, унда ҳаёт ҳақиқати қай даража акс эттирилганини англаб етишда менга тўғри йўлни кўрсатган, десам хато бўлмайди. Юзхотир қилиб ўтирмай, ҳар қандай асар ҳақида дадил танқидий фикр билдирилган мақолаларингиз ўша пайтларда адабий ҳаётни анча жонлантириб турарди. Фақат танқидий чиқишларингиз эмас, балки ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаб ёзган мақолаларингиз ҳам кўпчиликнинг эътиборига сазовор бўлган эди. Бироқ, барибир, адабиётдаги ўртамиёначилик Сизнинг назарингиздан четда қолмас, танқидингизнинг ўткир тиғи кўп ижодкорларни сергаклантириб турарди. Бирор бир ёзувчининг янги романи ёки қиссаси чиқиб, озроқ гап-сўз бўлса, хўш, бу ҳақда Норбой Худойберганов нима дер экан, деб Сизнинг муносабатингизни кутардик.

Бироқ кейинги пайтларда негадир жимсиз. Адабий жараёнда овозингиз йўқолиб қолди. Газета-журналларда биз кутган мақолаларингиздан кўпдан бери дарак йўқ. Ёки касбингизни ўзгартирдингизми, домла?!

Гапларимни кўнглингизга оғир олмассиз, деб ўйлайман. Негаки, Сиз танқидчиларимиз орасида доим очиқ фикрни рўй-рост айтиб келгансиз. Биз мухлисларингиз ҳам ана шу принципингиздан келиб чиқиб, дангал гапни айтсак, ўринсиз бўлмас.

Мана, Ватанимиз мустақил бўлганига ўн йил тўлди. Истиқлол ёзувчиларга эркин ижод муҳитини яратиб бергани ҳақида фикрлар айтиляпти. Афсуски, бу муҳитда яратилаётган асарлар ҳақида кейинги йилларда Сизнинг эсда қоларли бирор бир мақолангизга кўзим тушмади. Баҳоли қудрат, адабиётга меҳр қўйган бир мухлис қаторида шу йилларда чиққан асарларни мен ҳам ўқиб бораяпман. Улар орасида яхшилари ҳам бор, бўш, ўртамиёна ёзилганлари ҳам сероб. Ўзингизнинг иборангиз билан айтганда, "маҳаллий классик"лар ҳам кейинги пайтда турли йўллар билан ўз "шедевр"ларини чоп эттиришни авж олдиришган. Шунингдек, адабий тажрибалар тариқасида юзага келаётган асарлар ҳам талай. Мен қатори китобхонлар бундай асарларни тушунишга қийналамиз. Уларнинг фазилати, янгилиги нималарда кўринади, камчиликлари нимада, деган саволга ҳар доим ҳам жавоб тополмаймиз. Шундай пайтларда "Норбой Худойберганов нега ёзмай қўйди?" деб ўзимга ўзим савол бераман.

Наҳотки бугун чиқаётган романлар, қиссалар ёки шеъру достонлар савияси бирдай юксак бўлиб, танқидга ўрин қолдирмаётган бўлса?! Аксинча. Айрим асарларни ўқиб, қайси жанрга доирлигини англай олмайсиз. Роман деб эълон қилинаётган баъзи бир китоблар нари борса оддий хотира ёки бадиага тўғри келади. Шеърий романлар эса "болалаб" кетгани ҳаммага маълум. Яқинда "тарихий роман" деб аталган бир асарни ўқиб чиқдим. Унда муаллифнинг тарихга доир аниқ концепцияси сезилмайди, бор-йўғи хронология... Хўш, шундай ҳолда танқидчилар нега жим?

Менинг Сизга мактуб йўллаб ўз дардимни тўкиб солаётганимнинг сабабини сезиб турган бўлсангиз керак. Ахир, танқидчилик адабиётда юксак бадиият учун, ҳаққоний тасвир ва теранлик учун тинимсиз кураш олиб бориши зарур эмасми?! Сиздан сўрамоқчи бўлганим, кейинги пайтда чоп этилаётган асарларни ўқияпсизми? Улар ҳақида фикрингиз қандай?

Менинг Сизга мурожаат этиб ёзаётган бу мактубимни бир адабиёт мухлисининг куюнчаклиги, деб билинг. Танқидчиликнинг бугунги аҳволидан мутлақо қониқмаётган бир китобхоннинг мулоҳазалари сифатида қабул қилинг.

Ўтган йили устоз Озод Шарафиддиновнинг "Ўзбекнома" китоби ҳақида жиддий танқидий мақоласини ўқиб, жуда ҳаяжонланган эдим. Адабий танқид бор экан, бу зўр мақола, дея жуда хурсанд бўлган эдим. Шундан сўнг танқидчиликда янги бир жонланиш бўлса керак, бошқа мунаққидлар ҳам бўш, саёз асарларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратишга киришар, деб кутдим. Бироқ, афсуски, муҳтарам олимимизнинг бу турткиси ҳам деярли кор қилмади — танқидчиларимиз ҳамон жим. Мен бу эътирозларимни гарчи Сизнинг номингизга йўллаётган бўлсам-да, умуман, бугунги адабий танқиднинг аҳволини назарда тутиб ёзаяпман. Чунки биз ҳар бир мақоласини катта севинч билан ўқиб чиқадиган, бизга адабиёт, маънавиятдан чинакам сабоқ берадиган устоз мунаққидлар Иброҳим Ғафуров, Абдуғафур Расулов, Бахтиёр Назаров, шеъриятда ўртамиёначиликка муросасиз муносабатини тез-тез билдириб турадиган Иброҳим Ҳаққулов, Сувонқул Мелиев, Аҳмад Отабоев ва бошқа фаол танқидчиларнинг долзарб чиқишларини жуда кам кўраяпмиз. Кейинги йилларда умид уйғотган ёш мунаққидлар ҳам негадир кам кўринишади.

Хўш, айтинг-чи, ёзувчи-шоирлар янги асарларини ёзиб, чоп эттириб турган бир пайтда танқидчилар оғзига сув олиб юришса, бундан кимга фойдаю кимга зиён. Бу ҳолда китобхонлар диди, умуман, китобхонлик савиямиз қай даражада шаклланади? Адабий жараённи бошқариш учун, уни миллий ва умуминсоний қадриятлар мезонига солиб туриш ҳам, маълум маънода, адабий танқид зиммасидаги вазифалардан эмасми?

Муҳтарам домла, ўзингизга маълум, бизнинг Шарқда, хусусан, ўзбек халқи турмушида адабиётнинг, китобнинг аҳамияти доимо юқори ўринда бўлиб келган. Қўлига китоб олган киши албатта зиёга ташна, гўзалликка мафтункор бўлади. Унинг завқи чинакам, севинчи татийдиган бўлиши эса қўлига олган китобнинг савиясига боғлиқ. Бу мулоқот жараёнини фойдали ўзанга бошқарадиган, уни лойқаланишдан сақлайдиган соҳа — адабий танқиднинг маънавиятимиздаги ўрни ва хизматини бошқа бирор-бир соҳа билан алмаштириб бўлмайди-ку. Шундай экан, китобхон сифатида Сизга шундай савол билан мурожаат қилишга журъат этдим:

Хўш, танқидчилар нега жим?

Акбар ОТАЕВ,
ўқитувчи

ТАҲРИРИЯТДАН:

Таҳририятимиз аъзолари ушбу мактубни ўқишиб, фикрлашилгач, газетада эълон қилишни лозим деб топишди. Дарҳақиқат, мунаққидларимизга билдирилаётган эътирозларда жон бор. Кейинги пайтда адабий танқиднинг овози баралла эшитилмаётгани рост. Бу соҳанинг олдида кўндаланг турган муаммолар эса бисёр. Боз устига танқид адабий-бадиий нашрлардаги, умуман, матбуотдаги ўз ўрнини, ўз мавқеини ҳам йўқотиб қўймоқда. Бу, бир жиҳатдан, мунаққидларнинг фаоллик кўрсатишмаётганидан бўлса, бошқа томондан, яратилаётган асарлар мутолаасига қизиқишнинг сустлигидандир. Албатта, танқидчилик фаолияти билан боғлиқ муаммолар фақат шулардангина иборат эмас. Биз ушбу мактуб баҳонасида бугунги адабий танқиднинг аҳволига, уни жонлантириш масалаларига ижодкорлар, мунаққидлар, китобхон ва газетхонларимиз диққатини тортмоқчимиз. Танқидчилик муаммоларига доир давра суҳбати уюштиришни, бир қатор адабиётшунос, шоир ва адибларимизнинг шу мавзудаги чиқишларини режалаштираяпмиз. Ўйлаймизки, юқоридаги мактуб адабий танқиднинг бугунги ижодий жараёнда ўрни, бу соҳани ривожлантириш, фаоллигини ошириш борасида зарур фикр-мулоҳазаларга туртки беради.

Устодлар

ИККИ ХАЛҚ АРДОҒИДА

Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги байрами арафасида эълон қилинган «Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум адабиёт ва санъат намояндаларини мукофотлаш тўғрисида»ги Президент Фармонига биноан «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган марҳум адиб ва санъаткорлар сафида машҳур ёзувчи Садриддин Айний ҳам бор. Барча улуғ адиблар яратган образлар сингари Айний домла яратган қаҳрамонлар ҳам ҳамон китобхонларнинг баҳсу мунозараларига сабаб бўлиб келмоқда. Аввалари, масалан, Ойбекнинг Мирзакаримбойини салбий образ деярдик, уни ёмонлардик. Ҳозир турли даврларда уни мақтайдиган бўлишган: тадбиркор, доно, ишбилармон ва бошқа сифатлари эътироф этилади.

«Судхўрнинг ўлими»даги Қори ишкамбани ҳам хасис, берахм, мумсик, сурбет тип сифатида талқин этганмиз. У кун бўйи дикиллаб, мол-мулк йиғади – жанозадан йиртиш олади, муллаваччалар ҳисобидан ош ейди, қарз бериб, фоиз олади. Шу билан бирга қонун-қоидаларни билади: ҳужжатларни нотариусдан тасдиқлатади, векселдан фойдаланишнинг кифтини келтиради. Қори ишкамба шу тариқа умр бўйи йиққан молини болшевиклар бир зумда зўравонлик қилиб олиб қўйишади. У ўлади.

Аввал ўйлардик: болшевиклар тўғри қилишибди.

Энди ўзгача мушоҳада юритадиган бўлганмиз – бу шўрлик диқиллаб, не-не укубатларда мол-мулк тўплаган экан, уни тортиб олиш адолатданми? Наҳотки болшевиклар шу одамдан ҳам мумсик ва сурбет бўлишса...

Эҳтимол булар бари онгимиздаги ўзгаришдан ташқари икки буюк адибнинг истеъдоди, узоқни кўрабилишидир. Масалан, «Судхўрнинг ўлими»ни Луи Арагон, Чингиз Айтматов сингари улкан адиблар беҳудага ибрат қилиб кўрсатишмагандир. Асарнинг ноёб қирраларини биздан кўра теранроқ идрок этишгандир улар. У биргина Францияда уч марта нашр этилган.

Халқ орасида: «Юзига табассум суртди» деган киноя бир ибора бор. Назаримизда буюк адиблар ҳам ўз асарларига социалистик реализмни суйкаб қўйишган.

Эндиликда бир ҳақиқатни айтишдан истиҳола қилмаслигимиз керак: Садриддин Айний Бухородан Самарқандга келганида Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдуқодир Шакурий, Исматулло Раҳматулло сингари жадидлар даврасида бўлган, дастлаб бошланғич мактаблар учун дарсликлар ёзган, шу руҳдаги мақолалари билан матбуотда чиқиш қилиб турган. Демак у, энг аввало, ўша давр адабиётининг йирик вакили ҳамдир.

Озод Шарафиддинов шу муносабат билан ёзади: «...1919 йилда ёзилган «Турон марши» шеърида шоирнинг (Садриддин Айнийнинг) анъанавий тарзда Туронни уйғотишга чорлаганини кўрамиз:

Уён! Турон эли, уён!
Тўлқинланди бутун жаҳон!
Бошқаланди бутун даврон,
Бошқа даврон, бошқа замон!
Ухлама, юр, сайри жаҳон!
Ётасанми, жоҳил, нодон?

Шўро замонида баъзи бир адабиётшунослар бу шеърларни совет поэзиясининг намунаси сифатида талқин қилиб келдилар. Бироқ унинг мазмунидан кўриниб турибдики, унда шўровий белгилар эмас, жадидлар қарашларига яқин масалалар, яъни жаҳолат ва нодонликни рад этиш, асрий уйқудан уйғониб, «бошқа даврон, бошқа замонда жавлон уришга чақириқ мавжуд.»

Адиб «Айний» тахаллусини 1894 йилда танлаганини ҳисобга оладиган бўлсак, масала тағин ҳам равшанлашгандай бўлади.

Умуман социалистик реализм масаласида гап кетганда, шу нарсани ҳам эътиборда тутиш керакки, кимдир қатағондан чўчиб шу йўлга ўтди, кимдир социализм ғояларига чинакамига ишонди, ва кимдир юқорида таъкидлаганимиздек, ўз асарларига социалистик реализмни суйкади».

Лекин Садриддин Айнийнинг бадиий маҳорати, ижодий мероси ҳақида гап кетганда, тан олиш керакки, бу буюк адибгача ва ундан кейин ҳам ҳеч ким бирйўла ўзбек ва тожик тилларида бунчалик мукаммал ва мўл насрий асар яратмаган.

Хўш, адиб асарлари бугунги кун учун қайси жиҳатлари билан қадрли? «Қуллар»ни олинг. Қай бир асар шунча катта даврнинг икир-чикирлари ҳақида қамровли маълумот бера олади бизга?

Биз адибнинг фақат бадиий асарлари ҳақида сўз юритаяпмиз. Унинг тарихий асарлари, публицистикаси, шеърлари, илмий тадқиқотлари-чи. С.Айний бир умр таклиф ва тазйиқларга қарамай компартия сафига кириштан бош тортиб келди.

Айний домла энг салмоқли асарларини Самарқандда яратди. Унинг ёдгорлик уй-музейида бўлсангиз, бу ерда дунёнинг энг номдор адиблари, шоирлари меҳмон бўлганига гувоҳ бўласиз, ёзувчининг шахсий қўлёзмалари, либослари, турли ашёлари, ўша ўлмас романларга гувоҳ бўлган сандал дилингизни ҳаяжонга солади. Ҳадемай ичкари уйдан нуроний Садриддин Айний чиқиб келадигандай бўлаверади. Бу уй шу кечакундузда ҳам ўзига хос маърифат даргоҳидир.

Ўзбек ва тожик халқига баббаравар хизмат қилган адиб бундан кейин ҳам икки халқ ардоғида бўлиб қолиши табиий.

Абдукарим ҒАНИЕВ,
Садриддин Айний ёдгорлик уй-музейининг директори
Нусрат РАҲМАТ,
ёзувчи

Журналларни варақлаганда

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

Иккинчи фасл, 2001 йил

Журналнинг янги сони таниқли адабиётшунос ва адиб Иброҳим Ғафуровнинг «Қаҳрамонни қаердан топамиз?» сарлавҳали мақоласи билан очилади. Унда муаллиф «миллий озод адабиётнинг жозибаси ва унинг инсон тийнатини тоблантиргувчи қудрати ҳақида мулоҳаза юритади. Дониёр Бегимқуловнинг «Самимият ёғдулари» мақоласи Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов ижодиётига бағишланган. Севимли шоиримизнинг бир туркум шеърлари ҳам журналнинг мазкур фаслидан жой олган.

Ёзувчи Ҳожиакбар Шайховнинг инсон қудрати ва ожизлиги, эзгулик ва разолат ўртасидаги муросасиз жанг мавзуидаги «Самовий муҳаббат» илмий-фантастик романи журналда тўлалигича эълон қилинган. «Шеърим, сен Лайли» рукнида Охунжон Ҳакимов, Жамшид, М.Исмоил, С.Бўлдиеванинг янги шеърларини ўқийсиз. «Адабий давра»да эса бир гуруҳ ёш шоирлар ижодидан намуналар берилган. Р.Раҳимовнинг "Ҳаётий ҳикоялар"и, шоир Икром Отамуроднинг эллик ёшини қутлаб айтилган дил сўзлари ҳам сизни бефарқ қолдирмайди.

Тадқиқотчи Н.Мўминова тайёрлаган Абдурахмон Саъдийнинг «Шарқ тараққиёт фикрияси тарихидан. Имом Ғаззолий», Р.Носиров ва Т.Каримовнинг «Беруний: билишда холислик ва ҳақиқат мезони», Н.Абдул Ҳаким томонидан тайёрланган Фурқатнинг «Қавоиди чин ва умурати сиёсий» мақолалари журнал мундарижасининг салмоғини оширган.

Шунингдек, «Шарқ юлдузи»нинг ушбу фаслида севимли журналнинг 70 йиллиги муносабати билан Ҳусниддин Шарипов ва Машраб Бобоевнинг дил сўзларини, «Гулқайчи» рукнида ҳажвия, хандаларни ўқийсиз.

Ёшлар шеърияти: таҳлил ва талқинлар

ТИРИК МУҲИТ МЕВАЛАРИ

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг 21 сентябр сонидаги «Ёшлар шеърияти: таҳлил ва талқинлар» деб номланган давра суҳбатини ўқиб, ардоқли ҳафтаномамиз адабиёт мавзусидан жиддий гап очганига қувондим.

Биз адабиётимизнинг бугунги кундаги мавқеи ва нуфузини ошириш ҳақида кўп қайғураяпмиз. Назаримда, энг муҳим муаммолардан бири — қизғин ижодий муҳитни вужудга келтириш. Бадиий ижод нечоғли хусусий ҳодиса бўлмасин, у соғлом ташқи ижодий муҳитга доимо муҳтожлик сезади. Тилга олингани каби давра суҳбатлари эса худди шундай муҳитни «безовта» қилиб тургани, жонлантиргани учун ҳам аҳамиятлидир. Шу маънода суҳбат иштирокчиларининг барча мулоҳазаларини, эътироз туғдирганларига қўшиб, қизиқиб ўқидим.

Гап Уйғониш даврига кириб келаётган катта бир халқнинг навқирон шеърияти ҳақида бормоқда. «Адабиётдаги ҳар қандай кўтарилиш шеърият орқали амалга ошади», деганда адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул ҳақ. Зеро, бадиий тафаккурнинг янгиланиши шеъриятдан бошланади, янгиланиш эса аввало навқирон авлод ижодида ўз аксини топади.

Суҳбат иштирокчилари шеърий жараён ҳақида фикр юритишаркан, унга хос бўлган тамойилларни ютуқ-камчиликлари билан умумлаштиришга ҳаракат қилганлар. Шоир Баҳром Рўзимуҳаммад нозик тадқиқотчи сифатида кейинги ўн йилликда ёш шоирлар авлоди эстетик қарашларни ўзгартирмоқ лозимлигини англаб етганини, уларнинг бадиий тажрибалари дунёқарашни тозартиришга қаратилганини ёзади. Ижтимоий воқеликда кескин ўзгариш юз берган жойда бадиий тафаккур эврилишлар жараёнини бошдан кечириши табиий. Лекин савол туғилади: бу жараён қанчалик узоқ давом этади? Унинг муайян самаралари кўзга ташланаяптими?

Адабиётшунос Илҳомбек Қурбонбоев «Кейинги йилларда ёшлар шеъриятида фалсафий-интеллектуал оҳанг анча кучайди» деб бунинг натижасида сўз, ижод ва истеъдодга муносабат янгиланганини таъкидлайди. Шоир Сафар Оллоёр бу фикрга қўшилмайди. Унинг назарида «мустақиллик даври ёшлари шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари ҳали тўла намоён бўлгани йўқ». Адабиётшунос Шермурод Субҳонов миллий шеъриятимиз шакл ва мазмун жиҳатидан бойиганидан мамнунлигини яширмайди.

Ушбу фикрларнинг қайси бири тўғри-нотўғрилигидан қатъи назар, ижодий жараёнга нисбатан ана шундай турфа қарашлар мавжудлигининг ўзиёқ қувонарлидир. Мисол учун И. Курбонбоевнинг сўз санъатини қуруқ тарғибот-ташвиқот воситаси сифатида тушунадиганлар ҳозир ҳам истаганча топилади, дея куюниши янада чуқурроқ мулоҳазаларга ундайди.

Суҳбат иштирокчилари эътироф этганидек, ўтиш даври бадиий тафаккури маълум маънода тараддудланиш палласини бошдан кечириши табиий ҳисобланади. Юксак санъат асарлари эса юксак ва боқий гўзаллик идеаллари яратилган жойдагина туғилади. Ўз гўзаллик идеалларини шакллантириб улгурмаган бадиий тафаккур жараёнида сўз санъатини қуруқ ташвиқот воситаси дея тушуниш табиий ваўткинчи бир босқич. Ҳатто бадиийликни шу мезонлар асосида тушуниш майли буткул йўқолиб кетиши ҳам жуда қийин, зеро бу майл у ёки бу кўринишда сақланиб қоларади. Ижтимоий воқеликдаги ўзгаришлар, чунончи мустақилликка, ватан ва халққа садоқат руҳи тараннум этилган ялонғоч шеърларнинг кўплиги ҳам бадиий савиямиздаги саёзликдан далолат беради.

Бадиий тафаккур устқурмаси эмас, балки С.Оллоёр айтмоқчи, «фақат руҳиятни янгилашгина янги ижод маҳсулини бериши мумкин». Яна савол туғилади: унга қандай қилиб эришилади?

Кучли шахс бўлган тақдирдагина адабиёт илгарилаб кетади!

Иброҳим Ҳаққул шу гапи билан масаланинг ўзагига уради. Ҳа, йирик асарлар йирик шахслар томонидан яратилади. Йирик ижодкор шахс тарбияси озмунча омилларни қамраб олмайди! Адабиётга, ўтмишга, воқеликка, ҳатто азалий анъанаю ахлоқий қадриятларга ЎЗ қарашлари, нуқтаи назари бўлган ва ўша қарашларини эмин-эркин бадиий ифода эта билган инсонгина **ижодкор шахс** мақомига юксалиши мумкин. Ўтмишда Уйғониш даври саодати насиб этган жамиятлар, энг аввало, кишиларнинг фикрини ўстириш, шахсга айланиш жараёнларида гўллаб-яшнаган. Гегель Гёте ва Шиллер шахсини таҳлил эта туриб, бу икки шоир дастлабки асарларини яратиш кезларидаёқ ўша даврда эътироф этилган адабий нормаларни атайин бузиб юборишганини, гўё ўзларига қадар чинакам шеърият бўлмаган деб ҳисоблашганини, энг қизиғи, бу икки улкан шоирнинг муносиб издошлари ҳам худди шу йўлни тутишганини ёзган. Шоирнинг бадиий тафаккуридаги нисбатан ибтидоий бўлмиш ижтимоий фаоллик ўрнини руҳий фаоллик эгаллаши, яъни чинакам шоирлик мақомининг вужудга келишининг бирдан-бир йўли ҳам шу! Шундагина профессионал шеъриятнинг замони келиши тезлашади, ўзида ижодкорлик шахсини тарбиялай олган шоиргина ўзини ҳақли равишда дунё адабиётига дахлдорман деган кайфиятда қалам тебратади.

... Суҳбатда тилга олинган кўплаб бошқа муаммолар ҳам ўринли. Баҳром Рўзимуҳаммад, Шамшод Абдулла, Гўзал Бегим, олима Набизода, Рифат Гумеров сингари ЯНГИ шоирларимиз изланишларидаги тажрибалар хусусида ҳам тез-тез фикрлар алмашинилса, адабий танқидчилигимиз сукут сақламаса, жўн ва ўртамиёна назмбозлик тенденцияларига матбуот орқали холис ва ошкора баҳо берилса, ижодий муҳит албатта жонланади. Тирик муҳитда кўкарган дарахтлар эса тез мевага киради...

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

СЎЙЛАГИН ЯХШИ СЎЗЛАРДАН...

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ташаббуси билан Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти ҳамкорлигида «Хазон бўлган умр» спектакли саҳнага қўйилди. Пьеса ғоясининг муаллифи ҳуқуқшунос олим Алишер Азизхўжаев. Асар ғанимларимиз ҳаракати билан, баъзан эса ўзимизнинг лоқайдлигимиз туфайли ёлғон ғоялар кетидан эргашган, оқибат ҳаёти саробга айланган айрим ёшларнинг хазон бўлган умрлари ҳақида.Долзарб мавзу. Зеро, 1999 йил 16 февралдаги мудҳиш воқеалар, ўтган йили юртимиз сарҳадларига жангари тўдалар ҳуруж қилган пайтда қурбон бўлган бегуноҳ кишиларнинг хотираси юраклардан ўчгани йўқ. Ҳамон ватангадо бўлиб умрини хазон қилаётган, қилган ишларининг моҳиятини бири англаб, бири англамай боши берк кўчаларда сарсон юрган ёшлар оз эмас. Ватанфурушлар юрт тинчини бузиш, соддадил одамларни тузоққа илинтиришнинг чораларини излашади.

Асар бош қаҳрамони Назиржоннинг вужуди аён бўлган ҳақиқатдан, елкасига ағдарилган ғам-армондан тош қотган. Ўлим шарпаси унинг ёнида кезиб юрибди. Бундай дақиқаларда инсоннинг ўтган ҳаёти кўзи ўнгидан кино тасмасидек ўта бошлайди. Нимадан бошланди ўзи? Нега ҳаёти чаппасига кетди? Аҳир, меҳрибон ота-онаси бағрида, яхши-ёмон кунида суянчиқ бўлган ҳамқишлоқлари орасида бахтиёр ҳаёт кечираётган эди-ку. Севган қизи бор эди... Беш қўлни баробар оғизга урмасдан, озгина сабр қилса, борига қаноат қилиб турса бўларди-ку. Ҳа, ўтиш даври осон кечмайди. Ҳар бир даврнинг ўз қийинчиликлари бўлади. Акаси Ёдгорнинг насиҳатларига ҳам парво қилмади, ўзи сингари қийинчиликлар ичида тиришиб-тирмашиб келажагига пойдевор қўяётган тенгдошларидан ҳам ибрат олмади. Аллоҳнинг номи билан шайтоний ишлардан дарс берган ўша чолнинг гапларига ишонди. Қишлоққа қайтганда отасининг қойишлари, онасининг кўз ёшлари, севган қизининг «Кимга қарши жиҳод қиламиз, ота-онамизга, қишлоғимизга қаршими?», деган ҳайрат тўла сўзларидан ҳам сергак тортмади. Ваҳший жангарилар орасидагина унинг кўзи очилди. Аммо энди кеч эди. Ортда ушалмаган орзулари, ноқобил фарзанди туфайли эл-юрт ичида маломатга қолган ота-онаси, келинлик либосини кийиш насиб этмаган севгилиси, олдинда эса жаллодларнинг кундаси...

Академия тингловчилари ва санъат институти талабалари томонидан яратилган пьеса ҳақида узоқ гапириш, ютуқ ва камчиликларини таҳлил этиш мумкин. Биринчи навбатда ёш актёрларнинг, айниқса, умри хазон бўлган Назиржон ролини ижро этган Фарҳод Болтаев, «аёл, она руҳиятини тўлиқ очиб бера олган Фарида Собирова (Назиржоннинг онаси – Робия образи), жангарилар қўмондони ролини маҳорат билан ижро этган Маъруф Отажонов ва умуман ижодий жамоа саъй-ҳаракатлари, асарнинг бадиий талқини хусусида кўп яхши гапларни айтиш мумкин. Шунингдек, пьесанинг бадиий жиҳатдан бир оз бўшлиги, айрим образлар талқинида психологик теранлик етишмаслиги, баъзи ўринларда ғоя ва фикрни ифода этишда декларативликка йўл қўйилганлигини ҳам назардан қочирмаслик мумкин. Бироқ бизнинг мақсадимиз спектаклни атрофлича таҳлил этиш эмас, балки мазкур асар замиридаги умидбахш тушунчалар, муқаддас туйғулар, қадриятлар хусусида томошадан кейин туғилган айрим ўйлар билан ўртоқлашишдир.

Спектакл премьераси бўлаётган кунлари маҳалламизда туман ҳокимияти вакиллари иштирокида йиғин бўлди. Маҳалладаги аёллардан бири ақидапарастлар таъсирига тушиб қолган экан. Мажлис бошланишидан аввал маҳалладошларимнинг ўзаро гапларига қулоқ тутдим. Турли фикрлар, аммо эл тинчини бузаётганларга нисбатан муносабат бир хилда – салбий. Мажлисни туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси бетакаллуфлик билан бошлаб юборди. Ҳолбуки, мажлисда қариялар, мўйсафид чоллар ҳам йиғилган эди. Ўзбекона урф-одатларимиз, шарқона одобга риоя этган ҳолда мажлисни улар олдида самимийлик билан олиб борса ҳам бўларди. Аёлнинг узуқ-юлуқ, мантиқан саёз гаплари асосан содир бўлган воқеа туфайли қанча куч, вақт ва асаб сарф этилганию қонунни муҳофаза қилиш органлари вакиллари олдида бу аёлни кафолатга олганидан миннатомуз таъналар устида айланди. Бунинг устига эътирозга йўл қўймайдиган буйруғона гап оҳанги, ўзи тушунмаган нарсалар ҳақида яна ўша буйруқ оҳангидаги пойинтар-сойинтар «насиҳатлар»... Бари бир бўлди-ю, вакилнинг «суҳбати»дан олдин ақидапарастларнинг гўрига ўт қалаётган маҳалла аҳлининг кайфияти ўзгарди. Хаёлимдан ақидапарастликка қарши бундай ночор суҳбатлар билан курашишнинг нафи кам деган фикр ўтди. Доно халқимиз «Нодон дўстдан доно душман яхши» деб бежиз айтмаган.

Ислоҳотларни авваламбор одамларнинг онгидан бошламоқ керак-лиги, онгни ўзгартирмай туриб на сиёсий, на иқтисодий ҳаётдаги ислоҳотлар ҳақида жиддий ўйлаш мумкин эмаслиги бугун ортиқча исботни талаб этмайди. Шунинг учун ҳам юртимизда маънавият, маърифат масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб қўплаб яхши тадбирлар ўтказилмоқда. Аммо бугун бундай тадбирларнинг мазмуни ва, энг муҳими, самараси ҳақида жиддий ўйлаш пайти келди. Ўйлаб, ақл билан уюштирилган тадбирлар нур устига нур. Лекин юқорида мисол тариқасида келтирилгани каби номигагина қўл учида бажарилиб, ҳисобот бериш билан ўзидан соқит қилинадиган тадбирлардан имкон қадар қочишимиз керак. Бундай тадбирларни пухта тараддуд қўриб, эл орасида обрў-эътибори юксак, сўзини эл тинглайдиган кишилар иштирокида ташкил этиш керак. Устоз Абдулла Авлоний бу хусусда шундай ёзадилар:

Сўйласанг, сўйла яхши сўзлардан,
Йўқса, жим турмоғинг эрур яхши.
Ўйласанг, яхши фикрлар ўйла,
Йўқса, гунг бўлмоғинг эрур яхши.
Ишласанг, ишла яхши ишларни,
Йўқса, бекорлигинг эрур яхши.

Жамоатчилик фикрини шакллантириш, халқимизни миллий ғоя билан қуроллантириш, миллий истиқлол мафкурасини одамлар онгига сингдириш, олдимизга қўйган улуғ мақсадларга эришиш йўлида ғов бўлаётган зарарли ғояларнинг асл моҳиятини очиб беришда энг қудратли ва таъсирчан восита адабиёт ва санъат эканлигини Президентимиз қайта-қайта таъкидлаб келмоқдалар. Зеро, маънавий комиллик инсон қалбида макон топади, қалбга таъсир этишнинг эса восита ва услублари ранг-баранг. Санъат кўнгил ойнасини тозалашга ёрдам беради. Бунда театр санъатининг ўрни бўлакча. XIX аср охири XX аср бошларида юртимизнинг келажак тақдири ҳақида қайғурган маърифатпарварларимиз ҳам ишни таълим-тарбия ва унинг энг қудратли воситаси – театрдан бошлаганлари бежиз эмас эди.

Бугун маънавий меросни тиклаш, тарихимиз зарварақларини бир-бир очиб, улуғ аждодларимиз маърифатидан зиё олиш билан бирга шу куннинг муаммоларига бағишланган асарларни кўпроқ яратишга ҳам эҳтиёж катта. Истиқлолни мустаҳкамлаш, тинч ва фаровон ҳаётни қуриш йўлида худбин кимсаларнинг ғаразли ниятларини барбод этиш, халқимиз иймон-эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат этувчи янги бадиий баркамол асарлар бугун сув билан ҳаводек зарур. Замонавий мавзуларга бағишланган бадиий юксак адабиёт ва санъат асарлари салмоғи эса ҳали кўнгил тўлар даражада эмас. «Хазон бўлган умр» спектакли ана шу жараёнда фойдали асар сифатида хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Улуғбек САИДОВ

Дунё – кенг...

ҚАЙСАР ҚУЁШ

XVI асрда ўтган европалик донишманд Парацельс шундай деб ёзган эди: «Қуёшни, шамолни, чақмоқ ва иқлимни тадқиқ этиб, ўрганган одамга касалликларнинг пайдо бўлиши аёндир». Булар орасида Қуёшнинг ўрни ва таъсир кучи алоҳида, дейишади ҳозир замон олимлари.

Ҳар қандай оддий одамни ҳам тасодифан Қуёшнинг сўниб қолиши даҳшатга солиши табиий. Худо кўрсатмасин, агар Олам Чароғи ўчиб қолгудай бўлса, роса саккиз минуту йигирма секунд ўтиб Ерда умумий музлаш бошланаркан. Бироқ чарақлаб нур таратиб турганда ҳам Қуёшнинг салбий таъсири Ердаги мавжудотда, иқлимда яққол сезилади: Қуёшдаги портлашлар, магнит бўронлари бир неча кунда юқори энергетик оқим тарзида бизгача етиб келади.

Айримлар тақвимдан соғлиқ учун ноқулай келадиган кунларни белгилаб, ўзларини Қуёш «ҳужуми»га руҳан тайёрласалар, баъзилар бундай ҳолатларга лоқайд қарашади. Хўш, бу борада олимлар қандай фикрда?

Фанда Қуёш фаоллигининг ошиб кетиши оқибатида туғилган магнит бўронлари инсон саломатлиги учун хавфли экани исботланган. Буни қуйидаги содда мисолда тушунтириш мумкин. Бир текис шахдам одим ташлаб бораётган аскарлар оёғи остидаги кўприк лоғиллайди, тебранади ва охир-оқибат қулаб тушади. Магнит бўронини ўша аскарлар десак, кўприк – бизнинг шахсий биоэлектрик майдонимиз. Бу майдоннинг ташқи таъсирдан тебраниши, мувозанатни йўқотиши боис организмимизнинг кучсиз жойлари ишдан чиқади. Магнит бўрони ёпирилган пайтда одам организми керагидан ортиқ миқдорда адреналин ишлаб чиқаради ва бу асабий ҳолатларга, руҳий хаста кишиларда касалликнинг зўрайишига сабаб бўлади. Бундай пайтларда жисмоний толиқмаслик, фақат соя-салқин жойларда дам олиш, ёғли овқатлардан тийилиш, сабзавот ва мевалар билан қаноатланиш лозим.

Олимларнинг аниқлашича, Қуёшнинг фаоллиги ошиб кетиши ҳар ўн бир йилда такрорланаркан. Хусусан, 2001 ва 2002 йилларда бу ҳолат кузатилади. Қуёш фаоллиги ҳаддан ташқари ошган пайтда унинг юзидаги доғлар кўпаяди. 90-йиллар бошида ўта фаоллик чоғида Қуёшдаги доғлар сони 200тагача етган. «Қуёш қуйди» деган ибора ҳам айни шу вазиятни кўзда тутиб айтилган.

«ОТЕЛЛО»НИ ШЕКСПИР ЁЗМАГАНМИ?

Умрининг қирқ йилини шекспиршуносликка бағишлаган рус олими И.Гилилов «Уильям Шекспир номи теварагидаги ўйинлар ёхуд Буюк Қақнус сири» номли китобида «Отелло», «Ҳамлет» каби ўлмас пиесалар, машҳур сонет ва поэмалар муаллифи Шекспир эмас, деган фикрни ҳар жиҳатдан далиллашга уринади.

Адабиётшуносликда бу муаммонинг кўтарилганига 200 йилдан ошди. Старфордда туғилган Шекспирнинг чўқинтирилган пайтда черков китобига битилган асл исми Шакспер бўлган. Бу шахснинг ўқиш-ёзишни билгани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Унинг ота-онаси, хотини ва болалари ҳам саводсиз бўлишган, деб ёзади биографлар. Ўша замонда эркакларнинг қарийб ярми, аёллар ва болаларнинг 90 фоизи саводсиз экани нормал ҳол, деб қаралганини ҳисобга олсак, ажабланишга ўрин қолмайди. Боз устига, Шакспер деган жанобдан бирор варақ ҳам қўлёзма сақланиб қолмаган. У Лондонда майда судхўрлик билан машғул бўлган ва театр жамоасида ҳиссадорлик қилиб, фойда олиб юрган.

1623 йили Шакспер вафот этади ва етти йилдан сўнг Шекспирнинг дастлабки тўла асарлар тўплами чоп этилади. Тўпламдан 20та янги пиеса жой олган эди. Хўш, бу асарларнинг қўлёзмалари шунча вақт қаерга бекитиб қўйилган эди? Нашр чиққандан кейин уларни ким, қаёққа йўқ қилган? Бундан ташқари, айрим пиесаларда зикр этилган воқеалар Шакспернинг ўлимидан сўнг бўлиб ўтганига нима дейсиз?

Шекспиршунос И.Гилилов ана шундай муаммоларни кўндаланг қўйиб, бундай фактларни кўра-била туриб олимлар нега ҳақиқатдан кўз юмадилар, деган саволга шундай жавоб беради: бировлар оммалашиб улгурган, қабул қилинган тафсилотларни қўлласа ютқазмаслигини ҳисобга олишса, бошқалар қарор топган фикрлар билан баҳслашишдан чўчишади. Боз устига, инглизларнинг анъанага содиқлиги маълум.

Хўш, асл Шекспир ким бўлган? Бу саволга жавобан олим бир неча кишининг исм-шарифини келтиради. Шекспир меросининг луғавий заҳираси (25 минг сўз) унинг номидан чиққан асарлар бир киши қўли билан ёзилмаганидан далолат беради.

Хуллас, биз билган Шекспир асарларининг аксарияти Роджер Мэннерс исмли дарвиштабиат ва касалманд боён ҳамда унинг теварагидаги қаламкашларга тегишли, деб ҳисоблайди И.Гилилов. Бу гуруҳда эрмак тариқасида ёзилган асарлар бир ароқхўр, эсипаст муттаҳамнинг исм-шарифида эълон қилиб борилган. Китобхонлар бундан тааж-жубланган бўлишса, муаллифларга бу жуда қизиқ туюлган.

«Бундай ўйинлар ўша замонга хос эди, – деб ёзади И.Гилилов. –Кейин, қаранг, тўрт асрдан бери жаҳонда Шекспир номи теварагидаги ўйинлар тўхтамайди. Бу ўйин яна қанча давом этади! Ёмонмас-да... Улар ўз олдиларига барча замонлар ва халқларнинг буюк драматургини яратишдек мақсадни, боз устига, у инглиз бўлиши лозимлигини асосий мақсад қилиб қўйишган. Дарвоқе, муаллифнинг асл исми эса йўқолиб кетаверсин, деган фикр Шекспирнинг пиеса ва сюжетларида кўп таъкидланади. Албатта, бу ўйинни ўйлаб топганларда сир сақлаш учун чексиз имкониятлар бўлган. Бироқ улар изларни батамом йўқотишга эришолмаганлар».

МУРОСАСОЗЛАР

қандай қилиб Ҳайдаровни қойилмақом суд қилдилар?

ҒАРОЙИБ "ЛУТФ"

«Мойбулоқ» жамоа хўжалиги 1998 йил 18 мартидан «санация»га ўтказилиб Рустам Васиев ташқи бошқарув раиси этиб тайинланганди. Ночор хўжаликни бор йўғи икки йил ичида «турғазиш» лозим эди.

1999 йилнинг эрта баҳорида хўжалик раиси Р.Васиевнинг кўрсатмаси билан аҳолига лалми ерлар тарқатилиб бўлим бошлиқлари зиммасига ҳар гектар ер учун икки минг сўмдан ер ҳақи йиғиш вазифаси юклатилади. Қурғоқчилик боис лалмидан тузукроқ ҳосил ололмаган аҳоли бу пулларни тўламайди. Шундай бир пайтда «Ҳайдаров фалонча сўмни йиғиб олиб ўзи ўзлаштириб юборди» деган мазмунда шикоят хатлар пайдо бўлади. Шикоятларга асосан туман ва вилоят прокуратуралари текширишлари ўтказилиб бу пуллар ҳақиқатда йиғилмаганлиги, на хўжалик кассасига, на Ҳайдаровнинг киссасига тушмаганлиги аниқланади, ва... «***Фалонча сўм йиғиб олинмаганлиги оқибатида хўжаликка жуда кўп миқдорда моддий зарар етказган Ҳайдаровга чора кўриш»*** ҳаракати бошланади. Қизиғи шундаки, қурғоқчиликдан Ёнбошда лалми ер эккан одамлар азият кўрганлиги, эккан ерларидан бирон сиқим дон олишга кўзлари етмаган ўнлаб оилалар ер ҳақини тўлай олмаганликлари ҳеч кимни ташвишга солмайди, қизиқтирмайди. Қайтанга тергов ҳужжатлари Ҳайдаровни «лоқайд ва виждонсиз» одамга чиқарадилар. Ваҳоланки, лалмикор ерларнинг қурғоқчилик йилидаги ўзига хос деҳқончилигини, қўйингчи энг оддий инсоний муносабатларни ўйлаб туриб ҳам Ҳайдаровга нисбатан бундай айб тақаш бориб турган инсофсизлик бўлар эди. Ўша йили хўжаликнинг бошқа бўлимларида ҳам лалми деҳқончиликни зиммасига олган жуда кўп оилалар ер пулларини тўлолмадилар. Биласизми, ўша йили хўжаликда лалми ерлардан ер пулини тўла йиғиб ололмаган нечта «виждонсиз» бўлим бошлиғи бор эди? Нақ бешта! Ҳайдаров ана ўша йигитларнинг биттаси эди, холос.

ЖАЗОНИНГ БОШЛАНИШИ

Хўжаликдагилар йилнинг қурғоқчилигидан ҳам, у келтириб чиқарган мушкулотлардан ҳам хабардор эдилар, хабардоргина эмас ўзларининг бошларидан кечириб улгурган эдилар... Аммо 2000 йилнинг 14 март куни хўжалик бошқарув аъзолари йиғилиши Васиев бошчилигида «Ҳайдаровни ўз вазифасидан озод қилди», қизиғи шундаки бу мажлис шошилинч, Ҳайдаровсиз ўтказилди... ваҳоланки Ҳайдаров бир кун олдин – 13 март куни айнан Васиев имзоси билан чиқарилган буйруққа кўра ўз аризасига биноан меҳнат таътилига кетган эди?!

Энди туман ҳокими имзо чеккан мана бу ҳужжатга эътиборингизни қаратмоқчимиз:

«Самарқанд вилоят прокурори биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси А.А.Ҳусаиновга.

Каттақўрғон туман ҳокимлиги тумандаги «Мойбулоқ» жамоа хўжалиги 2-бўлими бошлиғи Ҳайдаров Аҳрорни қонунбузарликлари тўғрисидаги 15.03.2000 йил 7/17.00 сонли тақдимномангизни кўриб чиқди.

«Мойбулоқ» жамоа хўжалиги бошқаруви Ҳайдаров Аҳрорни тақдимномада кўрсатилган қонунбузарликлари учун бўлим бошлиғи вазифасидан озод қилган. Ушбу маълумот тариқасида Сизга хабар қилинмоқда».

Йўқ, адашмадингиз, айнан ўқиганингиздек 15 март куни юборилган тақдимнома асосида 14 март куни йиғилиш ўтказилганига ва **«Ҳайдаровнинг қонунбузарликлари ҳамда камчиликларга йўл қўйгани учун ўз вазифасидан озод қилингани»**га ишонаверасиз?! Ана ёлғону мана ёлғон?! Демакки бундай йиғилишнинг ўтказилганига ҳам, унинг ваколатига ҳам ишониш қийин...

"Мен ишлаган даврда А.Ҳайдаров бўлим бошлиғи бўлган. Шу бўлимда яшовчи Т.Ашуров билан илгаридан низоси бўлиб келган. Мени даврим-да ҳам Ашуров Ҳайдаровни хато=камчилик қилди, деб туман ва вилоят прокуратурасига мурожаатлар қилиб текширишлар ўтказилди...

Аҳрор Ҳайдаров текширишлардан безор бўлиб ариза берди. Биз меҳнат таътилига чиқардик. Шундан кейин турли хил юқори идоралар, аудит текширувлар, туман ва вилоят прокуратурасининг тергов ҳужжатлари, тақдимномалари асосида Ҳайдаровни эгаллаб турган вазифасидан озод этиш ҳақида хўжалик бошқаруви қарор қабул қилишга мажбур бўлди. Бу дегани Ҳайдаров жиноятчи деганимиз эмас, у одам топшириқларни ўз вақтида ҳамиша сидқидилдан бажариб келган. Хўжаликда ўзимдан бошлаб ҳамма мутахассислар сидқидилдан жамоани санаториядан чиқариш манфаатларини кўзлаб меҳнат қилганмиз...»

(Васиев Рустамнинг тушунтириш хатидан)

–Аҳрор Ҳайдаров бутунлай қонунларга хилоф тарзда ишдан бўшатилган, – деб аниқлик киритади Каттақўрғон туман агросаноат ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ҳуқуқшуноси Ҳасан Холдоров. –Қонун талаби бўйича ходим меҳнат таътилига чиққанда унинг иш жойи, лавозими, ойлик маоши кафолатланган ҳолда сақланади. «Меҳнат қонуни»нинг 133-моддасида ана шундай деб ёзиб қўйилган.

2000 йилнинг 29 мартида «санация» тўгатилиб, хўжалик кооператив ширкат хўжалигига айлантирилади ва ... Камол Мамадиёров бош бўлган йилқичилик бригадасида 269 бош йилқи камомади аниқланиб қолади. Бу гап чин камомадмиди, ёки уюштирилган янги ифвомиди, ҳар қалай баҳсли ва сирли жиҳатларга тўла. «Ана топилди айбдор, отлар манзили Ҳайдаровнинг бўлими ҳудудида эди, демак у ҳам ўғриларга шерик!» Негадир туман прокуратураси қолиб вилоят прокуратурасининг кўрсатмаси билан "от ўғрилари" – отбоқар К.Мамадиёров ва собиқ бўлим бошлиғи А.Ҳайдаров «хўжаликнинг жуда кўп миқдордаги мулкларини ўзлаштирган жиноятчилар» деган айб остида қамоққа олинади.

Аммо, тергов мобайнида Ҳайдаровнинг «от ўғриси» эмаслиги, унга бирон отнинг синган тақасиям тегмаганлиги ойдай равшан бўлиб қолади. Лекин ўжарлик ҳам антиқа феъла, қоғозга ёзсангиз кўтараверади, масалан, «отларни назорат қилмагани учун фалончи, фалончини назорат қилмагани учун пистончи қамалсин» қабилидаги хулосага қандай қарайсиз? Мамадиёров йўқолган отлар учун қамалгани маъқулдир, аммо Ҳайдаров «Мамадиёровни назорат этмагани» учун қамалди.

Хўш, Ҳайдаров Мамадиёровни назорат қилишга бурчлимиди?

–Санация ҳақидаги қонун бўйича отлар масаласида, Мамадиёровни назорат қилиш масаласида Ҳайдаровнинг мутлақо жавобгарлиги йўқ! – жавоб беради «Мойбулоқ» хўжалиги тафтишчиси Н.Ҳайруллаев. – Хўжалик раҳбари Р.Васиев ва бош отбоқар Мамадиёров Камол ўртасида тўғридан тўғри ва бевосита ҳеч бир кишининг воситачилигисиз ўзаро моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома мавжуд эди...

–Мен суд жараёнида Аҳрор Ҳайдаровни айбсиз, ноҳақдан терговга тортилганини айтганман, – тушунтиради Р.Васиев. – Унинг отлар масаласида мутлақо айби йўқ...

Аслида, гап бошқа ёқда эди. Шикоятбозларнинг тергов жараёнида «фаол иштироки» ва айнан «энди терговчиларнинг устидан ҳам шикоят қилишлари мумкинлиги» Ҳайдаровга нисбатан жиноий айбловни тўқиб чиқаришга олиб келди. Шикоятчилардан бири Юсуф Жаниевнинг 2001 йилнинг 22 мартида Нарпай туман суди залида берган кўргазмаси ҳақиқий аҳволни яққол кўрсатиб турарди: ***«Бизнинг Ҳайдаров билан 1999 йилдан келишмовчилигимиз бор. Тафтишчилар ҳам, терговчилар ҳам унинг айбини бўйнига қўйиб бера олмадилар. У яна кўп жиноятлар қилган, уларни ҳам топиш керак эди, терговдан норозимиз, суд ҳайъатидан Ҳайдаровни оғирроқ жиноят содир этганликда айблашни ва унга нисбатан узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлашингизни сўраймиз!»***

«АНТИҚА» ҲУКМЛАР

Қўлимизда Ҳайдаровни суд қилган икки туман судларининг ҳукмларидан кўчирмалар бор. Мана, улардан бири 2001 йилнинг 22 мартида Каттақўрғон туман суди биносида бўлиб ўтган Нарпай туман судининг очиқ суд мажлиси (раислик этувчи А.Норбўтаев) қабул қилган ҳукмдан кўчирма:

«... дастлабки тергов ва жиноят иши ҳужжатларида ёки суд тергови даврида судланувчи Ҳайдаров А.нинг ўз мансаб ваколатидан қасддан фойдаланганлиги ҳолатлари аниқланмади ва ўз исботини топмади... 269 бош отларнинг камомадга йўл қўйилишида судланувчи Ҳайдаров А.нинг алоқадорлиги ёки унинг ўзгалар мулкини ўзлаштиришда, талон-тарож қилишда иштирок этганлиги бирор ҳужжат, далиллар ва бирор кишининг гувоҳлиги, кўргазмалари билан исботланмади...

Эътибор қилинг, ана шундай «хулоса»дан кейин ҳам А. Ҳайдаровнинг уч йил қамоқ муддати билан сийланганига қандай қарайсиз?

Шикоятчилар яна ёздилар «жазо кам берилди!» деб.

Бу гал Пахтачи туман суди 2001 йилнинг 19 июнида бўлиб ўтган суд мажлисида (раислик этувчи А.Искандаров) «Ҳайдаров иши»ни алоҳида қайта кўришга мажбур бўлди. Суд ***«Ҳайдаровга нисбатан хўжаликнинг бир неча фуқаролари томонидан аризалар мавжуд бўлиб, уларнинг суд мажлисида берган кўргазмаларида ва аризаларида кўрсатилган важларни тасдиқловчи бирон бир конкрет факт йўқлигини ҳисобга олди», «ширкат хўжалигининг Ҳайдаровга нисбатан зарар бўйича умуман даъвоси йўқ эканлигини эътиборга олди»*** ва ... ***«дастлабки тергов органлари томонидан асосли равишда жиноий жавобгарликка тортилган деган хулосага келганлигини»*** қайд этди...

Қалай, қойилмисиз? Мана буни антиқа суд дейдилар. Пахтачи суди ҳам «мендан нима кетди» қабилида иш тутиб «Ҳайдаровнинг мол-мулки тўлиқ давлат фойдасига мусодара қилинсин» деган қўшимча билан Нарпай туман судининг қарорини қўллаб юборди.

Каттақўрғон шаҳар юридик маслаҳат идораси мудири, ҳуқуқшунос Камин Ибрагимовнинг қуйидаги фикрлари мавжуд аҳволга яққол баҳо бериб турибди:

–Айрим идораларнинг масъул ходимлари мендан кетгунча эгасига етгунча қабилида иш тутиб, ўзларининг бошларини оғритмаслик, айрим ёзғувчиларнинг идорама-идора юришларини олдини олиш мақсадида Аҳрор Ҳайдаровга ўхшаган бегуноҳ кишиларни ҳам қамоққа олиб ҳуқуқларини топтамоқдалар. Ҳайдаровнинг Самарқанд вилоят прокуратураси томонидан қамоққа олиниши ҳам, туманларда ўтган судларнинг ҳукмлари ҳам айнан ана шундан далолат бериб турибди.

... Ҳайдаров ҳам чидаб туролмади, азбаройи ўзини ҳимоялаш мақсадида «ёзишга, ёзувчига айланишга» мажбур бўлди. Муҳарририят топшириғи билан бордик, кўрдик, одамлар билан гаплашдик. Биз чиқарган энг катта хулоса шу бўлдики, бу воқеаларга бевосита ёки билвосита аралашган катта-ю кичикнинг «ёзғувчилар»дан безори чиқиб кетгани рост.

«ОТЛАР ЙЎҚОЛМАГАН ЭДИ...»

Барча моддий жавобгарлик ташқи бошқарув раиси Р.Васиевнинг зиммасида эди. У ким билан моддий жавобгарликни бўлишса шартнома билан муҳрланган эди, жумладан отлар масаласида ҳам! Афсуски отбоқар Мамадиёров Камолнинг (суд уни ўн тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум этди.) судда қуйиб-пишиб ёзғирганидаям қисман асос бор эди. Кейинги икки йил мобайнида айнан маъмуриятнинг айби билан ҳеч ким на отлардан, на отбоқарлардан, уларнинг қаерда, нима иш билан машғул, отларнинг аҳволи қандай деб хабар олмаган, қизиқмаган. Шунча от учун на қўра бор, на бир боғ пичан, на бир тўрва ем. «Қурғоқчилик йили» деб қайтараверган билан бу гап на бир уюм пичан бўлди, на сомон бўлди. Хўжалик раҳбари Рустам Васиевнинг бу гаплардан хабари йўқмиди? Нега отларнинг қиш пайти оч қолиши мумкинлиги, бунинг оқибатида бир неча уюр йилқиларга ғорат келиши, нобуд бўлиши, қирилиши, борингки йўқолиши мумкинлиги Васиевни безовта қилмаган?

"Йўқолган отлар мен хўжалик раҳбари бўлиб ишлаган охирги даҳиқада ҳам бор эди, –тушунтириш беради Р.Васиев, – **буни хўжаликнинг барча мутахассислари тасдиқлайди. Отлар йўқолмаган, тергов давом этаётган пайтда отлар топилгани ҳақида хабарлар пайдо бўлди, мен ҳам эшитдим ва хурсанд бўлдим жамоа мулки йўқолмаганидан, ўз жойида эканлигидан. Топилганидан кўнглим таскин топди. Аммо ўша топилган отларнинг қанчалиги, текширувчилар томонидан нега инобатга олинмаганлиги мен учун қоронғу..."**

Шу гап ростмиди? Ҳақиқатан ҳам қанчадир отлар топилганмиди?

–2000 йилнинг июл-август ойлари эди,–деб гувоҳлик берди «Мойбулоқ» хўжалиги чорва ҳисобчиси Фарҳод Содиқов. –Тоғнинг нарига бетида Ўразмат Қовунчи қишлоғида яшовчи Берди деган одам келиб «сизнинг хўжалигингизга қарашли отлар фалон жойда, борсангизлар топиб бераман» деди. Мен, тафтишчи Ҳайруллаев, зоотехник Алиев бирга бордик, оқшом Берди аканикида ётдик. Эрталаб Ёнбошга туташ тоғнинг устига олиб боришди ва 34 бош отни бир зовга қамаб беришди. Мен ва Неъмат қолдик. Ғофур ака хабар қилгани қайтди. Шанба-бозор ҳеч ким бормади, биз ҳам отларни Камол аканинг қариндошларига қолдириб қайтиб келдик.

Журналист текшируви

Орадан бир неча кун ўтиб ички ишлар бўлимидан Комил деган мелиса йигит, мен ва ветврач Нарзуллаев бирга яна Қовунчига бордик. Берди аканинг болалари бу гал отларни Себистон дарасига қамаб беришди, озроқ — 18та от экан.

Кейин раис ва зоотехник Алиевлар боришди. Камолнинг бошқа қариндошлари «хусусий от» деб мажоро қилишди, шунда мелиса йигит «тергов тамом бўлгунча» деб Камолнинг амакиси Шароф Мамадиёровнинг зиммасига «бирontасиниям йўқ қилмайсан» деб акт билан топшириб қайтди.

Терговчилар негадир бу отларнинг борлигини инобатга олмадилар, уларни хўжаликка кирим қилишимиз ҳақида бирон кўрсатма ҳам бермадилар. Айни пайтда чорва ҳисобчиси сифатида шуни маълум қиламанки бу отлар хўжалигимизга кирим қилинмаган ва отларнинг кейинги тақдири номаълум...

Ҳисобчининг гапига нима қўшимча қилиш мумкин, ана буни «лоқайдлик» деса бўлади?! Ҳатто қаттиқроқ изланса, кўпчиликка маълум қилинса, ўша пайтдаёқ анча-мунча отларни «топиб олиш» мумкин экан-а, аттанг! Энди бу отларнинг изини топиб бўлармикан?! Балки прокуратура терговчилари учун отларнинг умуман топилмагани маъқулроқмиди? Шунинг учун ҳам отларнинг топилгани факти атайлабдан беэътибор қолдирилгандир?!

... Ҳарқалай, Ҳайдаровни жазолаш жудаям зарур эди, чунки шикоятлар тиғи хўжаликдаги таназзулни ўнглашга, қишлоқдаги мавжуд муаммоларни ечиш, осойишталикни, тинч-ҳаловатли ҳаётни қарор топтириш қайғуси билан эмас, балки айнан «Ҳайдаровни қуритиш» важоҳати билан битилаётгани учун ҳам у жазоланиши лозим эди.

Хўш, Ҳайдаровнинг айби нимада? Унинг айби – айнан айбдор эмаслигида! Ҳайдаровнинг айби бир тўп шикоятбозларнинг етагига юрмаганида, уларнинг айтганига «жилпангламаганида», улар айтган қўшиқни айтмаганида! Бор-йўғи ана шу!

Яхшиям Ўзбекистон Мустақиллигининг 9 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида Президентимиз Фармони бор экан. Ана шу Фармон Ҳайдаровнинг жонига аро кирди. У уч ойлик қамоқдан сўнг суд залидан озод қилинди.

Аммо унинг бўйнида «судланганлик» тамғаси қолди, болаларига бир кун кимдир «отангиз жиноятчи» десалар «оқланган» дея олмасалар керак, чунки «авф қилингани» «оқлангани» эмасда?!

Қолаверса, Каттақўрғон туман суди ижрочилари Ҳайдаровнинг мол-мулкини мусодара қилиш тараддудида юрибдилар. Тартибга кўра «қўшимча ҳукм авф қилинмайди, ижро этилади». Хуллас, Ҳайдаров «емаган сомсаси учун пул тўлаши» шарт бўлиб турибди. Шунча йўқотилган умр, йўлларга сарфланган маблағлар, руҳий – маънавий азоблар, кўнгил жароҳатлари... булар ҳақида ҳатто гапирмаса ҳам бўлар...

–Шикоятчилар ҳали ҳануз Тошкент ва Самарқанд вилоятининг тегишли идораларига зиё қатнаб «катта жиноятчи»ни суд озод қилиб юборди» деб ғавғо кўтариб юришибди, – дейди Каттақўрғон шаҳар юридик маслаҳат идораси мудири Д.Ибрагимов . – Бировларнинг устидан ғийбат қилиб юрадиган бир тўда шахсларнинг ғийбати Қонундан устун бўлмаслиги керак, аксинча ҳар битта фуқарони, шу жумладан Ҳайдаровни ҳам ана шундай ғийбатчилар туҳмати балосидан ҳимоя қилиш, ғийбатчиларни жазолаш жамиятимиз учун зарарли бўлган бундай иллатнинг илдизига болта урган бўлар эди.

Оға БУРГУТЛИ

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 133-49-93; 136-56-56
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48 Наср ва назм бўлими: 136-56-50

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Илҳом